

BOSH MUHARRIR:

Mahmud TOIROV

TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:

Ravshan MAMUTOV,

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi
Qonunchilik palatasi Agrar va suv
xo'jaligi masalalari qo'mitasi raisi

Aziz VOITOV,

O'zbekiston Respublikasi

Qishloq xo'jaligi vaziri

Ra'no TURDIBOYEVA,

Oila va xotin-qizlar davlat qo'mitasi
raisi o'rinbosari

Aktam XAITOV,

O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari
va tomorqa yer egalari kengashi raisi

Akrom ALIMOV,

Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-
quvvatlash markazi direktori

Fayzullo TOJIQULOV,

O'zLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman
Kengashi rahbari

Asror MO'MINOV,

Bosh muharrir o'rinbosari

Mas'ul kotib:

Baxtiyor ESANOV

Dizayner:

Ramazon RUSTAMOV

Musahhih:

Jo'rabek SIROJIDDINOV

Viloyat muxbirlari:

Qoraqalpog'iston Respublikasi va
Xorazmda

Shukurjon JABBOROVA

Buxoro va Navoiyda

Yashnarbek XUSANOV

Samarqand va Jizzaxda

Murodulla Tursunov

Sirdaryo va Toshkentda

Azamat TOIROV

Andijon, Namangan va Farg'onada

Karimjon ERGASHEV

Qashqadaryo va Surxondaryoda

Jahongir PIRIMQULOV

Nashr O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining
2020-yil 31-dekabrda 290/10-sonli
qarori bilan Oliy attestatsiya
komissiyasining ilmiy jurnallar ro'yxatiga
olingan.

Jurnal 2005-yildan buyon chiqa boshlagan
The journal has been published since 2005

№1 (165) 2022

TAHRIR HAY'ATI RAISI :

Zafar ISKANDAROV,

Turon FA vitse-Prezidenti, t.f.d., professor

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

Ibrahim DILER,

Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya)

Kamoliddin SULTONOV,

Toshkent davlat agrar universiteti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori

Durbek MAXKAMOV,

Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrası prof.v.b.
yuridik fanlar nomzodi

Temirjan AYTBAEV,

Qozog'iston Milliy FA akademigi, Qozog'iston Milliy agrar universiteti Meva-
sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrası mudiri, q.x.f.d.

Sirojiddin RUSTAMOV,

Turon FA faxriy a'zosi, O'zbekiston Jurnalistlari uyushmasi a'zosi

Bekmurat TURDISHEV,

Qoraqalpog'iston dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.f.d

Shuxrat BOBOMURODOV,

Tuproqshunoslik va agrokimyo ilmiy-tekshirish instituti direktori, b.f.d.

Ravshanbek SIDDIQOV,

Don va dukkakli ekinlar ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.d, Rossiya FA
akademigi

Baxrom MADARTOV,

Samarqand VMI Toshkent filiali direktori, q.x.f.d, professor

To'liqin FARMANOV,

Oziq-ovqat va qishloq xo'jaligi sohasida strategik rivojlanish va tadqiqotlar
xalqaro markazi direktorining birinchi o'rinbosari, i.f.d., professor

Safar ALIQULOV,

O'simliklar genetik resurslari ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x.f.f.d.

Bekmurod HAYDAROV,

Lalmikor dehqonchilik ilmiy-tadqiqot instituti direktori, q.x. bo'yicha f. d.

Usmon NORQULOV,

ToshDAU, Dehqonchilik va melioratsiya kafedrası professori, q. x. f. d.

Erkin BERDIYEV,

ToshDAU, Manzarali bog'dorchilik kafedrası professori, q. x. f. d.

Rajabboy DO'STMURODOV,

ToshDAU, Buxgalteriya hisobi va audit kafedrası professori, i.f.d

Mansur YULDASHOV,

ToshDAU, Baliqchilik kafedrası professori, biologiya fanlari doktor

Asqarbek SAFAROV,

ToshDAU, qishloq xo'jalik fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent

Alevtina KOJEVNIKOVA,

ToshDAU, biologiya fanlari doktori, professor

Abdullo MADALIEV,

ToshDAU, iqtisod fanlari doktori, professor

Abdunabi FATXULLAEV,

ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari doktori

Sirojiddin JO'RAYEV,

ToshDAU Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrası mudiri

Murod RAXMANKULOV,

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi
kafedrası professori, q.f.d

O'ktam QO'LDOSHEV,

Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrası
mudiri (PhD)

Qaxramon SHAKIROV,

ToshDAU, "Umumiy zootexniya" kafedrası professori, q.x.f.d

Dilmurodjon HAKIMOV,

ToshDAU, "Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash"
kafedrası dotsenti

Mamur JUMASHEV,

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi
kafedrası dotsenti

Iroda BAKIEVA,

Toshkent moliya instituti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrası professori v.b., i.f.d.

Erkinjon BOTIROV,

Toshkent moliya instituti "Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrası dotsenti, i.f.n.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА



**ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!
ХУРМАТЛИ ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАР,
АГРАР СОҶА ХОДИМЛАРИ! МУҲТАРАМ
ФАХРИЙЛАР!**

Меҳнат мавсуми охирлаб, соҳадаги ишлар сарҳисоб қилинаётган мана шу қутлуғ дамларда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги касб байрамингиз –

Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шукуҳли айёмда, аввало, ҳалол пешона тери, фидокорона меҳнати билан ердан ноз-неъмат ундириб, ҳаётимизга қут-барака, файзу қувонч олиб кирадиган миришкор деҳқонларимиз, барча соҳа ходимларига энг эзгу тилакларимизни билдирамыз.

Биз сизларнинг тимсолингизда ҳар қандай

мураккаб шароитда ҳам ўз касби ва бурчига содиқ қолиб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган заҳматкаш, мард ва олижаноб инсонларни кўрамиз.

Айниқса, бутун дунёда иқлим ўзгариб, ер ва сув ресурслари борасида ҳам турли муаммолар кўпайиб бораётган ҳозирги вақтда ҳақиқий матонат ва жасорат, омилкорлик фазилатларини намоён этиб, барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириб келаётганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Шу маънода, бозор ва дўконларимиздаги тўкинлик ва арзончилик, шаҳар ва қишлоқларимиз, хонадонларимиз ободлигида сизларнинг ҳиссангиз беқиёс, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда инсон қадр ва манфаатларини таъминлаш устувор вазифа сифатида биринчи ўринга қўйилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, бошоқли дон етиштириш ва харид қилишнинг янги тизими жорий этилиб, деҳқонларимизнинг омборлари донга, рўзғори кут-баракага тўлаётгани, аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро имтиёзли кредитлар ажратилгани, маҳсулот етиштириш, суғориш, уруғ ва кўчат сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар субсидия ҳисобидан қоплаб берилаётганини таъкидлаш лозим.

Ўзбек пахтасига жорий этилган бойкот бекор қилиниб, тўқимачилик соҳасидаги йирик брендлар мамлакатимиз пахта бозорига қайтмоқда.

Деҳқон хўжаликларини ривожлантириш учун жорий йилда 100 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, очиқ электрон аукцион орқали аҳолига тарқатилди. Бунинг ҳисобидан 420 мингдан ортиқ янги хўжалик ташкил этилиб, 1 миллион 200 мингдан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилгани айтиқса муҳим аҳамиятга эга.

Ҳеч шубҳасиз, дунёда озиқ-овқат тақчиллиги тобора ортиб, минтақамизда чўллашиш жараёни кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида ҳам долзарб вазифалар қўймоқда.

Биз соҳани барқарор ривожлантириш

ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аграр тармоқда бошлаган ислохотларимизни изчил давом эттирамиз. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сув таъминотини яхшилаш, сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни бошлаймиз.

Пахтачилик ва ғаллачиликда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, илмий асосда маҳсулот етиштириш, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш чоралари кучайтирилади.

Шу билан бирга, маҳаллий шароитга мос, арзон қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш, уларни фермер ва деҳқонларимизга имтиёзли шартларда етказиб бериш, субсидиялар ажратиш ва қўшимча молиялаштириш имкониятлари кенгайтирилади. Қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш, амалиёт ва илм-фан интеграциясини мустаҳкамлаш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бандликни таъминлаш мақсадида бошланган ижобий тажриба давом эттирилиб, деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун қўшимча 100 минг гектардан ортиқ ер аҳолига тарқатилади.

Қадрли юртдошлар!

Мана шу қувончли айёмда ўзининг фидокорона меҳнати, бой билим ва тажрибаси билан мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожини янги босқичга олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган деҳқон ва фермерларимиз, агрокластерлар раҳбарлари ва ходимларига, соҳада меҳнат қилаётган барча ватандошларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, эзгу фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Доимо меҳнатингизнинг роҳатини кўриб юринг!

Ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

"ОЛАМ МАЪМУРЛИҒИ АЛАРДИН..."

Асрор МЎМИН,

Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист

Беназир асарлари, хайрли ишлари билан дунёга донғи кетган машҳур авар шоири Расул Ҳамзатов Ёзига баҳо бериш тўғрисида шундай ёзганди: “Баъзан менга шундай туйилади, атрофимдаги ҳамма одамлар ишляпти, мен бекор юрганга ўхшайман. Баъзан эса фақат мен ишляпман, бошқалар бекор юргандай туйилади”. Бу сўзлар ҳар биримизнинг ўз ишимизга ҳолис баҳо беришга ва эл-юртимиз манфаати йўлида ўз вазифаларини ҳалол бажараётган замондошларимиздан ибрат олишга ундайди.

Кимки ўзига ортиқча бино қўйса, деҳқон бозорларига кирсин ва мева-сабзавотларга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўла расталарга қарасин. Бу маҳсулотлар осмондан тушмаган, барчаси деҳқонларимизнинг йил бўйи тўккан пешона тери ва ҳалол меҳнати самарасидир. Деҳқонларимизга ҳеч ким мўл ҳосил етиштир деб пул бермайди. Аксинча, улар мўл ҳосил олиш учун ўзлари техникага, сувга, минерал ўғитга ва бошқа нарсалар учун пул беришига, табиат қийинчиликларини енгишига тўғри келади, ҳар хил амалдорларнинг қош-қовоғига қарашади.

Шу лаҳзада тадбиркор деҳқоннинг бир неча йил олдин ойнаи жаҳонда айтган гаплари эсимга тушди: “Ўтган кузда тежаб-тергаб йиққан пулимизга томорқамизда кичикроқ иссиқхона кўрдик. Оиламиз билан йил бўйи иссиқхонада меҳнат қилдик. Унга сабзавот экинлари ва ошқўклар экдик. Бу йил ўзимизни, яқин қўшниларни, қариндошларни сабзавот ва ошқўклар билан таъминладик, қолганларини бозорга олиб чиқиб сотдик, 13 миллион даромад қилдик. Даромадимиз ҳисобидан томорқамиздаги иссиқхонани кенгайтирамыз, халқимизга кўпроқ сабзавот маҳсулотлари етказиб берамыз”. У машинани, бошқа нарсани иккита қиламан, кўп қаватли уйимга пойдевор қўйишни бошлайман, Ялтага бориб дам олиб келаман, деб айтаётгани йўқ, халқимизга кўпроқ сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида ўйляпти. Сиз шу деҳқонга 100 миллион сўм бериб кўринг. У бу пулга бутун томорқасига иссиқхона қуради ва сабзавот экинлари экади. Сабзавот маҳсулотлари билан оиласини, қариндошларини, маҳалласини, тумани аҳолисини таъминлайди, қолган ҳосилини чет элга экспорт қилиб, юртимизга валюта олиб келади.

Шоирлар султони Ҳазрат Алишер Навоий бободехқонларни шарафлаб, шундай ёзгандилар: **“Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракот, элга ҳам кут еткурур, ҳам баракот”**. Ҳазрат Навоийнинг саховатпешалигини ёзиб адо қилиб бўлмайди. У бешта мадраса (мударрислар учун

маош ва илми толиблар учун нафақа тайинлаган), 10 дан зиёд хонақоҳ (фақир-мусофирлар тунаб қоладиган ва бепул овқат тарқатиладиган жой), 50 дан ортиқ работ, 17 та ҳовуз, 16 та кўприк, 10 та ҳаммом қурдирган...

Табиий равишда савол туғилади: Алишер Навоий бу маблағларни қаердан олган? Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, Ҳазрат Навоий амирлиги учун бериладиган маошни ҳам олмас экан. Аксинча, Султон Ҳусайн ва унинг фарзандларига катта-катта совғалар жўнатиб турган. Тарихий манбаларда ёзилишича, Навоий бу бойлик ва пулларни амирлиги учун ажратилган ерлардаги деҳқончиликдан олган. Муаррихларнинг ёзишича, қурғоқчилик, об-ҳаво ноқулай келган йилларда ҳам Ҳазратнинг даласида ҳосил мўл бўлган. Чунки, унинг даласида бободехқонлар хизмат қилишган. Ҳазрат деҳқончиликдан олган даромадини эса хайрли ишларга сарфлаган. Ҳатто, шариат вакиллари Алишер Навоийдан закот олишга сабаб тополмаган. Закот кишининг ихтиёрида маълум маблағ бўлсагина, ўшандан олинади. Унинг қўлида эса ҳеч вақт ортиқча маблағ бўлмаган, бор пулини дарҳол хайрли ишларга йўналтирган.

Ризқ-рўзимиз, баракот кони бўлган деҳқончилик инсониятга Одам Атодан мерос. Чунки, унинг Ер юзидаги биринчи ўрганган хунари деҳқончилик бўлган: ерни шудгор қилиб, буғдой донини сепганлар. Шу боис, замонлар оша одамзот учун деҳқон азиз, деҳқончилик азиз бўлган. Энг яхши таърифлар деҳқонлар билан вобаста. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов севимли шоиримиз Миртемирни “қалам деҳқони”, дея шарафлаганди. Нақадар мумтоз таъриф ва эҳтиром!

Кўнгли пок, сўзи пок, иши ҳалол, топган нони ҳалол деҳқонларимизга шарафлар бўлсин. Афсуски, орамизда ўз ишига ортиқча баҳо берадиганлар ҳам йўқ эмас. Истагимиз, улар элда хурмат қозониш учун заҳматкаш деҳқонларимиздан ибрат олишсин ва ўз ишларининг деҳқони бўлишга ҳаракат қилишсин. Шунда она Ўзбекистонимиз янада гуллаб яшнайди.



ЭРТАСИ БУГУНИДАН ФАРОВОН ШОВОТИМ!

Одилбек Артиқов 2022 йилнинг март ойидан Шовот тумани ҳокими вазифасида ишлаб келмоқда. Анча йиллар Қўшқўпир туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари лавозимида меҳнат қилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасини яхши билганлиги ва соҳа ходимлари байрами муносабати билан суҳбатимиз Янги Ўзбекистон ғояларию, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ишлар тўғрисида бўлиб ўтди.



— Ассалому алайкум! Келинг, дастлабки саволимиз Янги Ўзбекистон ҳақида бўлсин... Бу сўз сизга қанчалик ёқади, ўзгача туюлмайдими?

— Ваалайкум ассалом! Шу сиз мухбирлар ҳеч тиним билмайдиган, изланувчан халқсиз. Борингизга шукур! Аслида бошқачароқ савол кутгандим. Мустақиллигимиз шарофати билан янги даврни бошдан кечирмоқдамиз. Қийинчиликлар бугун ортда қолди, ўтмишдаги хатоликлар нимадалигини англаб етдик. Тинчлик, саодат барқарор бўлган мамлакатимиз фуқаролари янги дизайндаги курилишлар ила кириб келган янги Ўзбекистон халқи бўлиб шаклланимоқда. Ёшларимизни кўринг, ижодкор, тез фикрлайдиган, ҳолис ва шиддатли.

— Янги Ўзбекистоннинг давлат стратегияси, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мақсадлар ҳақида тўхталсангиз?

— Мамлакатимиз Президентининг 2021 йил 26 фералдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020- 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон ҳамда 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60-сон фармонлари ижросини таъминлаш бора-сидаги вазифалар ҳар биримизни яқдиллик билан меҳнат қилишга ундади. Ўзбекистонни барқарор ривожланиш мақсадлари белгилаб берилди. Унда қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида икки баробарга ошириш, қишлоқ хўжалигини йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш уқтириб ўтилган. Мақсад шуки, туманларни аниқ маҳсулот етиштиришга мослаштириш, қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кен-

гайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш, фойдаланишдан чиққан ер майдонларини кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш, экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш, интенсив боғ майдонларини 3 баробарга кўпайтириш, агро-саноат корхоналарини керакли хомашё билан таъминлаш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш каби қатор вазифалар кўрсатилган. Муҳтарам Президентимиз олиб бораётган доно сиёсатга тўлиқ амал қила олсак, аниқки, юксалиш йўлидан илдам борамиз. Инсон қадрини улуғлаш Президентимиз белгилаб берган тамойилда асосий ўрин тутди. Келажак авлодга, халққа эътибор кучайди. Бугун хонада ўтирадиган раҳбарнинг ўзи йўқ, ҳамма халқ билан бирга. Пандемия даври биз учун оғир келди, анча қийинчиликлар пайдо бўлди. Асосий масала инсон омили. Ҳаётга ишонч ортса, меҳнатга интилиш кучаяди. Вазифамиз беморларни вақтида даволатиш, оналарни, оталарни асраш авайлаш, фарзандларни соғлом вояга етказиш учун курашмоқ. Шу борада истеъмолдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати, турини, сонини ошириш чораларини кўрмоғимиз керак. Сифатли табиий маҳсулот истеъмолини яратиш учун қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилмоқ даркорлиги стратегия орқали белгилаб берилди.

— Бевосита биолобороториялар фаолияти, пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштириш натижалари қандай бўлди?

— Туманимизда қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш мақсадида 10 та биолоборотория, 3 та ўсимликлар клиникалари фаолияти йўлга қўйилди. Жумладан, 124 кг “трихограмма”, 49,2 млн. дона “брокан”, 51,6 млн. дона “олтинкўз” ишлаб чиқарилди. Меҳнат қилган инсон улуғланади. Намунали биоло-

боротория деб топилган “Шовот биосервис” МЧЖ раҳбари Ойбиби Матниязова Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги муносабати билан “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Президентимизнинг ПФ-6262-сонли фармони бўйича Агробанк томонидан биоло-бороториялар учун 964 млн.сўм кредит ажратилиб, “Дамас” автоулови билан таъминланди.

Ўғзаларнинг етилиб кўсаклаган даври сув билан таъминланишда узулиш бўлди. Шунга кўра ҳосил чўғи сал камроқ бўлди. Аммо бошқа соҳаларда туманимизда ишлар кўнгилдагидек. Жумладан, чорвачиликни олсак. 2022 йилнинг январь ойига-ча бўлган маълумотда кўрсатилишича 93,2 минг бош қорамол, 32,9 бош сигир, 35,9 минг бош қўй ва эчкилар, 503,0 минг бош парранда боқилмоқда. Ўғшт ишлаб чиқариш 15,9 минг тоннага, сут 89,3 минг тоннага, тухум 32,5 минг донага, балиқ 884 тоннага, асал етиштириш 76 тоннага етказилди. 14 та наслчилик тоифасидаги фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларда 1810 бош насли қорамоллар парваришланмоқда. Бу хўжаликлар томонидан 400 бош насли қорамоллар аҳоли хонадонларига етказиб берилди. Жорий йил ўғшт маҳсулоти 317 тонна, сут 3847 тонна, тухум 2,9 минг дона, асал 30,0 тонна, балиқ 3281 тонна етиштириш белгиланган бўлиб, ошиғи билан уддаланди.

— Чорвачилик, паррандачиликдаги лойиҳалар ўз ўрнини топдими?

— Соҳани ривожлантириш чора-тадбирларига асосан умумий қиймати 6 млрд. 532 млн. сўм, шундан 1 млрд. 985 млн сўм ташаббускорнинг ўз маблағи ҳисобидан, 2 млрд. 300 млн. сўм банк кредити, 210 минг АҚШ доллари хорижий кредит маблағлари ҳисобига жами 7 лойиҳа амалга оширилиб, четдан 308 бош насли қорамол олиб келиш ҳамда янгидан 47 та иш ўринлари яратиш белгилаб олинган эди. Паррандачилик соҳасида умумий қиймати 9 млрд. 715 млн. сўм, шундан 3 млрд.100 млн.сўм ташаббускорнинг ўз маблағи ҳисобидан ҳамда 1 млрд. 800 млн. сўм банк кредити, 450 минг АҚШ доллари хорижий кредит маблағлари ҳисобига 5 та лойиҳа амалга оширилиб, четдан 126 минг бош парранда боқишни йўлга қўйиш ҳамда янгидан 48 та иш ўринлари яратиш белгиланди. Ноябрь ойигача 4 та лойиҳа молиялаштирилди.

— Шовотда иссиқхона ишлари қандай давом этмоқда?

— Бизда тажрибали иссиқхоначилар жуда кўп. Бинобарин Рўзимбой ота Отажоновнинг иссиқхоначилиги ва боғдорчилик тажрибалари республикамизга маълум, ўзингиз кўп марта журналларда ёритгансиз “Шовотнинг шоввози” деб. 20 нафар ташаббускорга 57,2 гектар ер майдонига иссиқхона учун қарор чиқариб берган эдик. Ҳозир жами 28,1 гектар майдонда 15 та иссиқхона фаолият юритмоқда. 25,1 гектар помидор, 3 гектарига бо-

дринг экилиши мўлжаллаштирилиб, 16,1 гектарига помидор, бодринг ва 3,0 гектарга бодринг кўчатлари экилди. Экилган майдонлардаги иссиқхоналардан 340 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, экспортга йўналтириш, озиқ-овқат ҳавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлашга эътибор қаратилди.

— Ирригация тизимлари, сувчилар ҳаёти, соҳага янги технологиялар жорий қилиниши ҳақида нима дейсиз?

— 21 та хўжаликдаги 154 гектар ғалла майдонларида ёмғирлатиб, 20 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди. 2895 гектар майдонда лазерли текислаш ишлари амалга оширилди. Янги технологияларни қўллаш натижа-сида ҳосилдорлик ошмоқда.

“Бег яп”, “Ушоқтом”. “Сомонли” “Янгибод” ка-би каналларга 11 та ақлли технология ўрнатилди. Лойқа тозалаш, дамба текислаш ишлари вақтида амалга оширилмоқда. “Яшил макон” умуммиллий дастур доирасида мавжуд каналлар бўйларига жами 2 млн. тупга яқин мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди.

Шу ерда суҳбатимиз бўлинди ва биз хайрлашдик. Вилоятдан кимдир, эл дардидаги бир яхши инсон ташриф буюрган. Шовот сарҳадларида тинчлик ва тотувликда меҳнат қилаётган азиз элдошларимизга омонлик, саодат тилаймиз.

Сўлим кузнинг сўнгги ва завқли кунларидан бирида туман ҳокими билан ўтказган суҳбатимиз у кишининг қишлоқ хўжалиги соҳасига кўпроқ эътибор қаратишини изоҳлади. Суҳбатни давом қилдиравериш мумкин, аммо ҳокимнинг вақти чегараланган. У халқ вакили, халқ олдида ҳисоб беради, муаммолар ечимини излайди. Бир оила боши қанча мушкулликни ечадиган бўлса, у минглаб оилаларнинг эътиборида туриши аниқ. Ҳа, ҳокимнинг вази-фаси соҳаларни тўла қамраб олиб, халқнинг фаровон ҳаёти учун курашмоқ ишида давлат раҳбарининг ёрдамчиси бўлмоқдир. Зиёли, халқни тинглайдиган, эътиборли раҳбарлар кўпаяверса, демак янада юқори натижаларга эришамиз. Озиқ-овқат саноа-ти, ижтимоий сиёсий, ташқи аълоқалар, маданият ва санъат, маориф, соғлиқни муҳофаза қилиш каби барча соҳаларининг ривожланиши, она табиатни асраш каби аниқ мақсадларимиз борлиги ҳаммаси халқ фаровонлиги, тинчлиги йўлидаги мажбуриятларимиздир. Бу каби вазифаларни уддалаш учун ҳаракат қилаётган Ватан фарзандларини келаётган “Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини” ва Янги, 2023 йил билан табриклаймиз. Омад ва саломатлик ҳамроҳингиз бўлсин!

*Суҳбатни мухбири-
Шукуржон СОДИҚОВА
олиб борди.*

ДЕХҚОН – ДЕПУТАТ

**Пайзулла ТОЖИҚУЛОВ,
O'zLiDeP Чиноз туман Кенгаши раисининг
биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари**

Инсоният, балки қимирлаган жонзот борки, ЕР деган митти, яшил сайёранинг юпқа қобиғида етиштирилган ноз-неъматлар туфайли тирик ва доимий ҳаракатда. Аслида, рўзғор тебратиш учун инсон топаётган даромадлар ичида энг ҳалоли, энг покизаси, энг ширини, энг тозаси, энг аччиғи ҳам бир пайтнинг ўзида деҳқончилик билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Мана, шу аччиқ ҳақиқатни бутун вужуди билан ҳис қилувчи, умрини деҳқончиликка, инсонларга қўмаклашишга бағишлаган бир инсон билан сизни яқиндан таништирмоқчиман.

Бу инсон – Тошкент вилояти Чиноз тумани фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси Баҳром Умирзоқов. У “Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси” тавсияси билан халқ депутатлари туман Кенгаши аъзолигига сайланган. Депутатлик ваколати туман фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Кенгаш раиси тарзида бажариши керак бўлган ишларни амалиётга татбиқ этишда асқотишини у жудаям яхши билади. Бунга бир неча мисоллар келтирмоқчиман.

2022 йил октябрь ойи бошида Чиноз туманида пахта етиштирувчи олтита: “Агросервис МЧЖ”, “Йўлтушган жаннат макони”, “Турсуной ая”, Жуманов Фарход номли, “Эркин Озод Файз”, “Оловуддин” фермер хўжалик раҳбарлари депутат Баҳром Умирзоқовга мурожаат қилишиб, “АПК Чиноз унитар корхонаси” кластери томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги 320-сонли қарори талаблари бажарилмай, фермер хўжаликлари етиштирилган пахта учун ҳақтўлаш тартиби қўпол тарзда бузилишидан норози эканликларини

билдиришган. Муаммони ҳал этиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилган, ҳуқуқ-тартибот органларидаги мутасадди ходимлар билан мавзу ўрганилиб, тегишли ҳужжатлар мажмуаси тўпланган ва судга оширилган. Ҳозирги кунда суд қарори кутилаяпти.

2022 йил 7 ноябрь куни Чиноз туманидаги 25 нафар деҳқон хўжаликлари раҳбарларининг имзоси билан депутатдан кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам беришни сўрашган. Муаммони ҳал этиш мақсадида депутатлик сўрови тарзида туман кадастр раҳбарияти билан биргаликда вазият таҳлил этилиб, ҳаракатдаги қонунларга биноан, тегишли ҳужжатлар мажмуаси тўпланиб, кадастрга топшириш бошланган. Ҳозирги кунда 6 нафар деҳқон хўжалиги раҳбари расмий кадастр ҳужжатларини олишган ва жараён яна давом этаёпти.

“

“Каналобод” МФЙ ҳудудида жойлашган 66 та хонадон эгалари бир неча йиллардан бери томорқасига оқар сув таъминотидаги узилишлардан азият чекиб, ёрдам сўраб туман фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Кенгашига мурожаат қилишган. Муаммони ҳал этиш катта маблағга боғлиқлиги туфайли ҳал этилмай қолаётган эди. 2022 йил 14 декабр куни мавзуни жойида ўрганиб, ижобий ҳал этиш учун ушбу маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига республика раҳбарияти томонидан махсус комиссия юборилгани ҳақидаги хуш хабар келди. Комиссия ишида депутат Баҳром Умирзоқов бошчилигидаги ишчи гуруҳи ҳам фаол иштирок этди. Бундай мисолларни яна жуда кўплаб келтириш мумкин.

”

Қисқаси, биз юқорида бир неча мисол орқали депутат, туман фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси, умрини ердан олинадиган ноз-неъматлар салмоғини, сифатини оширишга, яхшилашга бағишлаган Баҳром Умирзоқов ҳақида қисқача маълумот беришга ҳаракат қилдик, холос.

Шундай инсонлар қанча кўп бўлса, меҳнатдан самарадорлик шунчалик юқори бўлишига ишонч билдирган ҳолда Баҳром акага янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.



ИССЛЕДОВАНИЕ ЗАСУШЛИВЫХ ЗОН — АКТУАЛЬНАЯ ЗАДАЧА

Беседа с Региональным менеджером представительства Международного центра сельскохозяйственных исследований в засушливых регионах по Центральной Азии и Южному Кавказу (ИКАРДА-ЦАК), доктором Акмал Фархадовичем АКРАМХАНОВЫМ

— Уважаемый Акмал Фархадович, вначале нашей беседы расскажите пожалуйста коротко о себе...

— Я родился в городе Намангане. Закончив Ташкентский автомобильно-дорожный институт (ТАДИ) в 1995 году начал трудовую деятельность в институте ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИМСХ) стажёром-исследователем. В 1998–2000 годах учился в магистратуре в области сельскохозяйственного инжиниринга в Университете Мэсси (Новая Зеландия), вернулся в ТИИМСХ в 2000 году ведущим специалистом в Отдел по развитию международных связей и повышению квалификации. В 2002 году поступил в докторантуру Боннского университета (ФРГ) при Центре исследований в области развития (ZEF Bonn), где в рамках совместного с ЮНЕСКО проекта в Узбекистане изучал определение и картирование засоления почв. Получив степень PhD в 2005 году, продолжил работу в рамках совместного проекта в Хорезме. В 2013 году начал работать в Региональном представительстве Международного центра сельскохозяйственных исследований по Центральной Азии и Южному Кавказу (ИКАРДА-ЦАК), руководить различными проектами. В ноябре 2020 года был назначен Региональным менеджером ИКАРДА-ЦАК.

За эти годы постепенно набираю опыт в различных сферах, тематически больше относящиеся к устойчивому управлению водными и земельными ресурсами, почвозащитному земледелию и ресурсосберегающим технологиям в целом, борьбе с засолением почв и экономики деградации земель. По мере накопления результатов публикую научные статьи в международных изданиях и главы в книгах.

— Какая практическая работа проведена Вашей организацией за прошедший период?

— Представительство ИКАРДА-ЦАК за более чем 24 года деятельности в регионе сделало много работ, привлекло и осуществило проектов на общую сумму более 100 млн долларов США. Если в ранних этапах работы больше обращали внимание на построение связей между сельскохозяйственными структурами в республиках Центральной Азии и Южного Кавказа разрушившихся после распада Советского Союза, обучение английскому языку для специалистов сельского хозяйства, то более поздние работы связаны с более интенсивным обменом гермоплазмы для создания новых сортов, укрепление связей между НИИ внутри региона и за пределами.

Результатом обмена гермоплазмой является большое количество новых сортов, созданных нашими партнерами НИИ в странах Центральной Азии и Южного Кавказа. Также, много инноваций были апробированы в рамках ранних проектов, например планировка земель в использование лазерного нивелира или почвосберегающее земледелие с использованием сеялки прямого посева. Планировка земель в использование лазерного нивелира сейчас широко практикуется хозяйствами что помогает снизить расход орошаемой воды на полив.

— В чём заключаются цели и задачи руководимой Вами международной организации?

— Международный центр по сельскохозяйственным исследованиям в засушливых регионах (ИКАРДА) был создан в 1977 году и является одним из 15 научно-исследовательских центров, поддерживаемых Консультативной группой по международным сельскохозяйственным исследованиям (КГМСХИ), являющейся международной ассоциацией, которая объединяет организации, занимающиеся сельскохозяйственными

исследованиями. ИКАРДА имеет региональный мандат, упор на улучшение сельского хозяйства в засушливых регионах. Другие центры входящие в КГМСХИ имеют другой мандат, например картофелеводство (CIP), пшеница и кукуруза (CIMMYT), сохранение генетического разнообразия (Bioversity), продовольственная политика (IFPRI), управление водными ресурсами (IWMI) и другие.

Миссия КГМСХИ состоит в содействии устойчивому развитию сельского хозяйства для снижения уровня бедности и голода и достижения продовольственной безопасности в развивающихся странах. Она проводит стратегические и прикладные исследования и направляет свою научно-исследовательскую программу на решение проблем посредством междисциплинарных программ, осуществляемых одним или более международными центрами в сотрудничестве с широким кругом партнеров. Такие программы концентрируются на повышении продуктивности сельского хозяйства, защите окружающей среды, сохранении биоразнообразия, совершенствовании стратегии, и содействия в укреплении сельскохозяйственной науки в развивающихся странах.

Деятельность центров КГМСХИ финансируется за счет взносов Всемирного банка, Арабского фонда экономического и социального развития, Кувейтского фонда арабского экономического развития, Программы развития ООН, Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН, Международного фонда сельскохозяйственного развития, Агентства США по международному развитию, Германского общества международного сотрудничества и более 60 стран мира.

— **Когда Региональное представительство ИКАРДА начало свою деятельность в нашей республике?**

— Региональное Представительство Международного центра сельскохозяйственных исследований в засушливых регионах по Центральной Азии и Южному Кавказу (ИКАРДА-ЦАК) в Республике Узбекистан было открыто 8 мая 1998 года в соответствии с Соглашением между Международным центром сельскохозяйственных исследований в засушливых регионах (ИКАРДА) и Правительством Республики

Узбекистан о сотрудничестве. Основная научно-исследовательская деятельность ИКАРДА направлена на улучшение гермоплазмы сельскохозяйственных культур, диверсификацию сельского хозяйства, интегрированное управление водными и земельными ресурсами, а также на проведение социально-экономических и стратегических исследований. С января 2016 года Генеральным директором ИКАРДА является Али Абдель-Хамид Абусабаа (Египет).

— **Какую помощь Вам оказывают государственные и общественные организации Узбекистана?**

— Партнерами ИКАРДА в Узбекистане являются Министерство сельского хозяйства в лице Национального центра знаний и инноваций в сельском хозяйстве, Министерство водного хозяйства, Министерство инновационного развития, Центр тестирования сортов сельскохозяйственных культур при Министерстве сельского хозяйства, Академия наук, Государственный комитет по экологии и охране окружающей среды, а также научно-исследовательские учреждения республики. За время деятельности ИКАРДА в Узбекистане были реализованы и реализуются исследовательские программы и проекты за счет привлечения грантовых средств международных донорских организаций в области селекции и семеноводства сельскохозяйственных культур, эффективного управления водными ресурсами, повышения квалификации кадров, пустынно-пастбищного животноводства и аридного кормопроизводства.

При финансовой поддержке ИКАРДА были выпущены следующие публикации Государственной комиссии по сортоиспытанию сельскохозяйственных культур: «Государственный реестр сельскохозяйственных культур, рекомендованных к посеву на территории Республики Узбекистан в 2017 г.», и «Описание сортов и гибридов, включенных в Государственный реестр сельскохозяйственных культур за период 2007-2017 гг.», а также справочное пособие «Факторы защиты почвы от ирригационной эрозии и повышения плодородия почвы». Представители ИКАРДА активно принимали участие на совещаниях, посвященных обсуждению вопросов «Концепции развития сельского хозяйства на период 2019–2030 годы», «Совершенствования системы



сортоиспытания сельскохозяйственных культур в Республике Узбекистан», которые проводились Министерством экономики и Министерством сельского хозяйства Республики Узбекистан.

Региональное представительство ИКАРДА осуществило очередное ежегодное распределение семян новых улучшенных сортов различных зерновых и бобовых культур для производства сельскохозяйственных культур в 2018–2022 годах. Улучшенная гермоплазма была представлена партнерам Национальных систем сельскохозяйственных исследований из Армении, Азербайджана, Грузии, Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана и Узбекистана.

Была проведена совместная работа по подготовке учебных планов по устойчивому управлению земельными ресурсами (УУЗР) и «Руководства по практикам устойчивого управления земельными ресурсами в Евразийском регионе в условиях климатических изменений» с Евразийским центром по продовольственной безопасности Московского государственного университета им. М. Ломоносова, Ташкентским государственным аграрным университетом, Кыргызским национальным аграрным университетом им. К. И. Скрябина и Таджикским аграрным университетом им. Ш. Шотемура.

— **Ваши планы на будущее?**

— Перед нашей организацией стоят три основные цели по внесению непосредственного вклада в повестку дня Целей в области устойчивого развития, такие как:

- улучшение использования природных ресурсов и экосистемных услуг путем

разработки справедливых и устойчивых методов управления земельными, водными ресурсами, энергией и биоразнообразием в засушливых регионах для будущих поколений;

- улучшение продовольственной безопасности и охраны здоровья, ориентируясь на представителей бедных, маргинальных и уязвимых слоев сообщества;

- повышение уровня жизни в сельской местности путем получения более высоких, разнообразных и устойчивых доходов с помощью функциональных рынков, которые приводят к повышению уровня жизни мужчин, женщин и детей в засушливых регионах, над которыми мы в настоящее время работаем.

— **Ваши пожелания читателям нашего журнала...**

— Пользуясь случаем хочу от всей души поздравить с наступающим Новым, 2023 годом, как читателей журнала, так и всех работников сельского хозяйства. Желаю всем мира, добра, поддержки близких, взаимопонимания в семье, счастья, радости и, конечно же, крепкого здоровья. Пусть новый год принесет только хорошие события и подарит яркие, душевные воспоминания. С праздником дорогие друзья!

— **Спасибо за содержательную беседу. Мы также поздравляем Вас с Новым годом и желаем новых успехов в Вашем благородном труде.**

Сирожиддин РУСТАМОВ,

член Союза журналистов Узбекистана.

ЭКОЛОГИЯ, САЛОМАТЛИК ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Экология ва саломатлик Халқаро “Экосан” Ҳайрия
жамғармаси Хоразм вилояти ҳудудий ташкилотининг
директори Жумабой Ўтамов билан суҳбат**



Инсон ҳаётининг қанча даврини болалик, ёшлик эгаллайди? Аммо кексалик ҳамбирнурафшонликэканлигинигоҳонунтиб қўяётганга ўхшаймиз. Суҳбатни бошлашдан олдин Жумабой Ўтамовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳусусида тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Аёнки, у киши Республикага танилган етук оқсоқол оталаримиздан бири, Хоразм фарзанди. Болалиги, ёшлиги ва бугуни ҳам шу халқ дардида ёниб, қайнаб яшаётган отахонларимиздан бўлиб, эътиборидаги эътиқодли инсон.

“Дўстлик”, “Меҳнат шуҳрати” орденлари ва бир қанча медаллар билан тақдирланганлигининг боиси, унинг меҳнаткашлиги, инсон омили учун фидойилиги билан боғлиқ. Келинг, гапнинг индаллосига ўтамиз. Суҳбатимиз давр талаби билан тезкор ва самимий бўлиб, телефон орқали давом этди. Отахонимиз бу пайтла ишлар борасида

пойтахтда эканлигини эътиборга олсак, тўғри талқин бўлади.

— Ассалому алайкум! Аввало ишларингизда омад, ўзингизга сиҳат-саломатлик тилаймиз. Бугун сиз раҳбарлик қилаётган жамғарма фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Ваалайкум ассалом, Шукуржон синглим, ёзишдан чарчаманг. Тошкентда ҳам тинч қўймайсиз, ҳазил синглим. Бошладикми?...

Қисқа сониялардан кейин давом этдилар:

— “Экосан” Халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташкилоти Республикаimizдаги энг йирик ноҳукумат ташкилот ҳисобланади. Жамғарма 1992 йилда ҳукумат ва ноҳукумат муассасалари, халқаро ташкилотлар, мутахассис олимларнинг кўмағида Республикаimizдаги экологик муаммоларни хал этиш учун ташкил қилинган. Ташкилотимиз муҳим иш билан шуғулланади. Жумладан, соғлом турмуш тарзи, санитария-гигиена билимлари ва касалликларнинг олдини олишни тарғиб қилади. Экологик жиҳатдан ноҳуш ҳисобланган жойлардаги аҳолига даволаниш ва профилактика ишларида ёрдам кўрсатади. Инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун асосан ҳайриялардан, “Екалот” лотореясида, ҳизмат кўрсатиш ва нодавлат ташкилотларга яратилган имтиёзлардан, шароитлардан фойдаланган ҳолда турли мавзуларда ютиб олинган халқаро грантлар маблағларидан фойдаланади. Ташкилот республикаimiz аҳолисини кучли ва бардамлигини, маънавий соғломлигини ҳимоя қилиш учун иш олиб борадиган глобал экологик жамғармадир.

— Ташкилотнинг ҳукуматимиз билан боғлиқлиги қандай шаклланган?

— Ташкилотимиз ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган экология ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган давлат дастурларини

қабул қилишда иштирок этади. Ўз таклифлари, тахлилий қарашлари ва маълумотлари билан давлат дастурини ишлаб чиқаришга ҳисса қўшади.

— Асосан қандай дастурлар? Изоҳлаб беринг..

— Юртбошимиз ташаббуси билан дарахтлар кесилишига мораторий эълон қилиниши билан юзага келган умуммиллий “Яшил олам” лойиҳаси ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Фан-техника, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, табиатга қарши таъсирларнинг кучайиши каби омиллар, сув муаммоси, яшил ҳудудларнинг талон-тарож қилиниши, қатор йиллар давомидаги эътиборсизликлар экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Шунга қарата “Яшил макон” умуммиллий дастури бўйича мен таклиф билдирдим. Таклифга Хоразм ва Қорақалпоғистон ҳудудларида энг қадрли ва ноёб, аммо йўқолиб бораётган гужум дарахтининг бугунги шароитга чидамли, янги навини яратиш ва олдинги, соф гужумларни тиклаш масаласини киритдик.

— Маълумки, 1 гектар ердаги 10-15 йиллик яшил дарахтлар бир йилда 50 тонна чангни ютиб, филтирлаб, 3 тонна кислород, 5 тоннагача корбанат-ангидрид газини ютаркан. Бир инсонга бир кунда 25 кг тоза кислород керак бўлади. Битта етук дарахт бир йилда 3 кишига етадиган кислород ишлаб чиқарар экан, демак, бир жуфт чинор ёки гужум 10 та конденционернинг ўрнини босади. Кўп электр еб, кўп маблағ сарфлайдиган, атрофга иссиқ ҳаво ҳайдовчи конденционерлардан кўра табиий конденционерлар афзал, демоқчисизда, Жумабой ака!

— Биласизки, гужумнинг япроқлари ғуж-ғуж бўлиб ўсади, чинорниқидан қалин ва кўпроқ. Ёзнинг жазирамали кунларида унинг соясида ўтиришнинг ўзи роҳат. Қадимда хонлар қароргоҳларига фақат гужум ва қорасўвит экилган. Ота-боболаримизнинг бу табиий конденционери ҳақида гап кўп. Мавзумиздан четга чиқиб кетмайлик. Кейинги 5 йил давомида экология ва саломатликка оид 50 дан зиёд тадбирлар ўтказдик. Жумладан, ўрта таълим мактабларида ўқувчи ва ўқитувчиларнинг экологик билим ва маданиятини ошириш мақсадида учрашувлар, кўргазмалар семинарлар ташкил қилдик.

Жамғармамиз ташаббуси билан 2017,

2018, 2019, 2020, 2022- йилларда вилоятимизда 5 марта “Қовун сайли” ўтказилди. Бу сайилни ўтказишдан мақсад қадимий анъаналаримизни тиклаш, қовун маҳсулотининг эски, қадимий тил ёрар, ширин навларини қайта тиклаш, янги навлар жорий қилиш, қовун экспортини ташкил қилиш каби вазифалар эди. Албатта мақсадимизга бир мунча эришдик. Бу йил Шовот тумани энг олий ўринни эгаллади. Сабабки, экспорт йўналишида юқори бўлганлиги инобатга олинди. Қадимий оқновот, жийдаяпроқ, қариқиз, гурвак, бешак, олохоммо, обинавот каби навлар сақланиб қолишида уларни тиклаш ва уруғчилигини ташкил этиш ишларимиз самара бермоқда. 2018 йилда “Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари” етказиш бўйича кўрик-танлов ўтказилди 2019 йилда Урганч шаҳрида “Ҳосил байрами” ўтказилди. Тоза, экологик экспортбоб қишлоқ хўжалик, чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотлари етказувчи илғор фермер ва деҳқонлар моддий рағбарлантирилди. Бу каби ишларимиз саноғи кўп, анчагина...

— Биологик тоза маҳсулот етиштириш ишларига қанчалик эътибор берилмоқда?

— Жуда тезкорсиз, бирини тугалламай яна саволингиз бор... Юқоридаги айтганимиз каби ҳосил байрами ўтказилиши ҳам шу борадаги ишларга турткидир. Хоразмда экологик муаммоли вазиятни юмшатиш учун яшиллик салтанатига эътиборни қаратиш билан бирга асосан биологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада Республика Олий Мажлисига таклиф билан чиқиб, жамоамиз билан грант ютиб олдик. Экотуризмни ривожлантириш, хорижий меҳмонларга Ватанимиз беғуборлиги, ширин таъмли маҳсулотлари сероблигини намойиш қилиш мақсадида туристик маршрутлар бўйлаб экологик тоза маҳсулотлар сотуви йўлга қўйилди.

Давом этаман, ўтган беш йил давомида 1 млрд.100 млн. сўмлик хайрия ишларини амалга оширдик. Аҳоли саломатлиги учун дори-дармон, тоза ичимлик сувлари билан таъминлаш йўлга қўйилди. Куёш батареяларидан фойдаланиш ишлари жорий қилинди.

— Суҳбатимиз мароқли, шу билан бирга чўзилиб кетяпти. Сизни чарчатиб қўймадимми? Бунинг устига телефондаги суҳбат сал ноўринроқ. Келинг, якуний саволга ўтаман: — Қишлоқ хўжалигини яхши биласиз,

қишлоқ фарзанди сифатида яхши кўрасиз ҳам! Олдимизда “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” байрами бор. Келинг шу ҳақда...

— Синглим, мен энди ҳаёлан ўша ситамли болаликка қайтаман, қийналиб ўқиган ёшлигимга қайтаман. Нишонни аниқ оласиз! Бугунга етгунча бўлган давр мушоҳадасига навбат келди. Орол минтақасидаги 120 миллион аҳолининг ўтмиши ўша пахта яккаҳокимлиги даврларида мажбурий дала меҳнатида жалб қилинган мазлум даврга бориб тақалади. Болалар, самолётлар заҳарли дори сочиб ўтган сассиқ хид уфурган далаларда бемажол боласини бир чеккага ётқизиб қўйиб пахта терган оналар... Қишлоқ хўжалиги аҳлига зулм қилиб режа қўйилган ва қатъий талаб қилинган хавойи даврлар... Ташаббускорлик йўқ қилинган, ўқувчиси уч ойгина ўқийдиги ўқувчи ва талабаларнинг оғир шароитлари... Қишда пахта терган даврларимиз, бари ўтиб кетди. Ўша трамвай рельсидан тушса бузилиб қолгани каби бир йўлдан бориб келиб, буйруққа бўйсунган ўзбек пахтакорининг қумғонда чой дамлаб далада тонг оттирган даврлари ўтди. Аммо унутилгани йўқ! Бугун дориломон кунларга етдик. Қадрига етайлик. Инновация, ташаббускорликка кенг йўл берилди, хоҳлаган жойингизда ишланг. Меҳнат қилинг, обрў топинг, давлат мукофотлари

сизники. Ўзбекистоннинг энг сара улови сизники! Тараққиёт ривожланмоқда. Тўғри айрим унсурларнинг бекорчи фалсафалари ҳам бор, бу табиий албатта, гуручнинг орасида курмаги ҳам бўлади. Ерга, элга экологик қараш пайдо бўлди. Ер эгаси йўқ эди, эгали бўлди. Бугунги деҳқон батрак эмас, фермер бўлди. Кластерлар, биргаликда ишлайдиган уюшган давлат ва нодавлат ташкилотлар пайдо бўлди. Миллат хонадонида тўкинлик, бахт, иқбол ҳукм сурди. Ҳаммаси соҳалар ривожланиши миқёсида бўлаётган ишлар, мамлакатимизда доно тинчлик сиёсати, қишлоқ хўжалигига эътиборнинг ошганлиги сабаблидир.

— Жумабой аканинг гапларини ҳаммасини тўкис ёзиш учун у киши билан бирга соатлаб ўтириб суҳбатлашсангиз ҳам адо бўлмайди. Олам гулистон! Шу жойда суҳбатимизга яқун ясадик. Меҳр-муҳаббат билан яшовчи халқимизнинг ҳар бир куни байрам бўлсин! Республикамиз аҳлини “Қишлоқ хўжалик ходимлари куни” ва кириб келаётган Янги 2023 йил билан чин дилдан табриклаймиз! Дунёда экологик маданият, билим ва савия, тинчлик ва саодат бор экан, турмушимиз фаровон, ҳаётимиз тўкис бўлади. Омон бўлинг, азизларим!

**Суҳбатдош: Ўзбекистон Ёзувчилар
Уюшмаси аъзоси Шукуржон Жаббарова.**



ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Зебиниса Ҳакимова,

Қибрай туман Давлат хизматлари маркази директори



Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда етиштирилаётган **80 турдан ортиқ** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг **66 та мамлакатига** экспорт қилинмоқда. Бунда, мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми **2016 йилдан ҳозирга** қадар қарийб 2 баробарга ошган.

Шу билан бирга, пахта ва ғалладан қисқартирилаётган ер майдонларида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли экинларни етиштириш соҳасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда қўшимча ўсишга эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инобатга олиш тақозо этилмоқда.

Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра **1 гектар** майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан **7 баравар**, гилосдан **6 баравар**, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш

ва сабзавотчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали **“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”** ва **“Ёшлар дафтари”**да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имкониятлар мавжуд.

Кўрсатиб ўтилган тармоқлар, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, аҳоли бандлигини ушбу соҳада кенг қўллаб-қувватлаш мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Шу мақсадда, мамлакатимизда деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

“Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга асосан деҳқон хўжалиги мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида деҳқон хўжалиги бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ва реализация қилишни деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати асосида амалга оширувчи хўжалиқдир.

Деҳқон хўжалигининг фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ва деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам, юридик шахс ташкил этмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар қандай қилиб деҳқон хўжаликларини ташкил этиши ва уларни рўйхатдан ўтказиши мумкин, яъни деҳқон хўжалигини ташкил этишда қонунчилик хужжатларимизда қандай талаблар мавжуд?

“Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлган, муомалага лаёқатли бўлган, ўзига деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара (иккиламчи ижара) ҳуқуқи асосида берилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахс деҳқон хўжалиги бошлиғи бўлиши, унинг хотини



(эри), ота-онаси, фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобоси, бувиси ва набиралари, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (фарзандлари ва набираларининг эри (хотини), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эри (хотини)) деҳқон хўжалигининг аъзолари бўлиши мумкин.

Деҳқон хўжалигини ташкил этиш учун деҳқон хўжалиги бошлиғида ер участкасига бўлган ҳуқуқ юзага келган бўлиши лозим.

Деҳқон хўжаликларини (юридик шахс тузган ҳолда ёки юридик шахс тузмаган ҳолда) давлат рўйхатидан ўтказиш учун фуқаролар Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиши ёки давлат хизматидан Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали электрон фойдаланишлари мумкин. Юридик шахс тузган ҳолда деҳқон хўжалигини рўйхатдан ўтказиш ва деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни, тегишли таъсис ҳужжатлари, деҳқон хўжалиги манзили, таъсисчилари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилса, юридик шахс тузмаган ҳолда деҳқон хўжалигини рўйхатдан ўтказиш ва деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкаси берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни

ҳамда деҳқон хўжалиги бошлиғи ҳақидаги маълумотларни ариза берувчилар тақдим этади.

Маълумот учун, деҳқон хўжалигини юритиш учун **0,06 гектардан 1 гектаргача** бўлган ўлчамда ер участкалари берилади.

Деҳқон хўжаликларини рўйхатдан ўтказиш мурожаат қилинган вақтдан бошлаб реал вақт режимида, аммо ўттиз дақиқадан ошмаган муддатда амалга оширилади. Деҳқон хўжаликларини рўйхатдан ўтказилганлиги учун давлат божи ундирилмайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда жами **210 463 та** деҳқон хўжаликлари фаолият юритаётган бўлса, шулардан **93 414 та** хўжалик аёл тадбиркорлар томонидан юритилмоқда.

Биргина 2022 йилда **155 мингдан** ортиқ деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 10 сентябрдаги ПҚ-373-сон Қарори соҳада амалга оширилаётган ислохотларни янги босқичга кўтарди десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз.

ЖЕНЩИНА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

*Алевтина Кожевникова,
д.б.н., профессор ТашГАУ*



Мы хорошо знаем, что в настоящее время, когда Узбекистан находится на пути инновационного развития, высокий уровень образования – это залог всестороннего успеха.

Женщина в сельском хозяйстве, это в первую очередь большая труженица. И не важно кем она работает: педагог в сельскохозяйственном вузе, преподаватель в колледже, руководитель фермерским хозяйством или кластерным хозяйством. На её долю достаётся достаточно много проблем. Ведь кроме работы на женских плечах дом, семья, здоровье детей, питание, образование и домашнее хозяйство.

Известно, что благополучие, уровень культуры и духовности не только семьи, но и всего общества зависит от интеллектуального и духовного развития женщин, их мудрости и заботливости.

Вопросы обеспечения прав женщин отражены в конституциях практически всех государств мира, закреплены в их законодательствах и занимают важное место в национальных планах и стратегиях развития.

Мы, женщины, очень ценим, как много в мире и в нашей стране делается доброго и хорошего в отношении женщин. Если счастлива женщина, счастлива семья, а если счастливы семьи, то это счастливое общество. Это действительно так.

Сегодня, без внедрения в сельскохозяйственную практику научных достижений и инновационных технологий,

обеспечения продовольственной безопасности не может развиваться сельское хозяйство.

Упор, в настоящее время делается на обеспечение максимальной взаимосвязи теории и практики.

Поэтому бытует справедливое мнение, что качество образовательного процесса всегда определяется многими факторами (такими, как уровень квалификации педагога, материально-техническая база учебного заведения, содержание учебной литературы и многое другое). Но, природные изменения в последние годы, ограничения, связанные с пандемией и другие факторы требуют в настоящее время умения, оперативности и особого опыта решать поставленные задачи.

Большое счастье, что наше сельское хозяйство выполняет поставленные задачи по обеспечению населения сельскохозяйственной продукцией.

Труженики сельского хозяйства страны – созидатели благополучия и процветания Родины, достатка в каждой семье. В 2021 году в республике собрано более 20 миллионов тонн фруктов и овощей, около 7,4 миллиона тонн зерна, свыше 3,4 миллиона тонн хлопка-сырца. Произведено 2,6 миллиона тонн мяса, более 11 миллионов тонн молочной продукции, 8,3 миллиарда яиц, 400 тысяч тонн рыбы [1].

Вдумайтесь в эти цифры, их знают все.

Ни для кого не секрет, что в настоящее время в каждом уголке нашей родины в сфере сельского хозяйства, агропромышленных кластерах на дехканских и фермерских полях отлично трудятся выпускники Ташкентского государственного аграрного университета и среди них много женщин.

Задача системы высшего образования заключается не только в обучении студентов, в нашем вузе ведётся активная научная деятельность, пробуждение интереса к предмету, развитию самостоятельности и интереса к получаемым знаниям, способности работать над собой, привлекается молодежь к исследованиям и реализации проектов.

Главная задача – правильно оценить и определить качество и результаты обучения. И кроме того определить насколько это позволит



продолжить обучение на следующем этапе и заниматься профессиональной деятельностью. Наши выпускники должны соответствовать требованиям наукоемкой экономики и национальной системы квалификаций.

Кроме проведения занятий, очень интересна работа с бакалаврами и магистрами по выполнению выпускных и магистерских диссертаций.

Молодежь выбирает темы исследований интересные и перспективные. Так, бакалавр Жунайдуллаева Нозимахон провела свои инновационные исследования на тему: «Мониторинг мирид (Miridae) на хлопчатнике для разработки современных защитных мероприятий», бакалавр Шералиева Лайло изучает вредителей: «Сосущие вредители культурных растений в Ташкентской области»; магистранты Музаффарова Нигора «Биоэкологические особенности хлопковой совки (*Helicoverpa amigera* Hb.) и совершенствование мер борьбы с ней», Саипова Дильдорахон на тему: «Биоэкология *Homoeosoma nebulella* и методы регуляции численности паразитов и хозяина в подсолнечниковом агробиоценозе» и т.д.

Известно, что инновации — это идеи или изобретения, которые становятся успешным делом. Инновации не могут быть случайными, они всегда запланированы, могут развиваться и процветать в экономической и социальной среде, склонной к изменениям и прогрессу. Инновации – это процесс доставки изобретения на коммерческий рынок, для коммерческого промышленного применения. Поэтому здесь очень важно иметь стратегию и обладать новаторским видением. Инновации, по

определению должны включать в себя понятие «успешное окончание дела».

Наши женщины-педагоги, магистрантки, докторантки вуза, молодые специалисты вносят свой посильный вклад в развитие сельского хозяйства Узбекистана. Наша молодежь талантливая, об этом свидетельствует весь мой долгий опыт работы в вузе.

Сама я в этом, 2022 году выпустила две монографии: «Цикадовые (Auchenorrhyncha) – вредители овощных культур Узбекистана» и «Моллюски (Mollusca) их особенности и значение в Узбекистане».

В целом я имею около 600 научных и методических работ, в том числе более 400 научных трудов, 7 монографий, 7 учебников, 2 учебных пособия, 2 изобретения, 4 инновации, 50 рекомендаций, свыше 100 методических указаний и др. Постоянно печатаюсь в международных и республиканских научных журналах.

В свою очередь меня очень интересуют исследования на тему, которую разрабатываем совместно с доктором сельскохозяйственных наук, профессором Научно-исследовательского института «Карантин и защита растений» Х.К. Хяевым: «Применение информационно-коммуникационных технологий в сельском хозяйстве».

Я от всего сердца поздравляю всех работников сельского хозяйства, особенно женщин и девушек, с их профессиональным праздником, желаю мира, благополучия, благоденствия, удачи и дальнейших успехов в труде.

ЭЗГУЛИККА БАҒИШЛАНГАН УМР

Йигирма йилдан кўпроқ Тошкент давлат қишлоқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)га раҳбарлик қилган Эркин Шайхов портретига чизгилар

Маҳмудхон ТОИРОВ,
Турон Фанлар Академияси академиги,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси



**“Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсатган
фан арбоби”,
академик
Эркин Шайхов**

Шундай инсонлар бўладик, улар бу оламни тарк этганларидан сўнг ҳам ўзларининг намунали умрлари, қилган хайрли ишлари, қолдирган мерослари туфайли тириклар орасида яшайди. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби”, академик Эркин Турдиевич Шайхов шундай одамлардан эди.

Эркин Шайхов 1927 йил 13 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1942-1944 йилларда шаҳардаги ҳарбий заводда моделчи бўлиб ишлади. 1944 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кириб, уни 1948

йилда тамомлагач институтда ёшлар етакчиси этиб сайланди. 1948 йилдан 1951 йилгача Ўзбекистон Ёшлар қўмитаси бўлими мудир, 1951-1954 йилларда Тошкент вилояти Ёшлар қўмитаси биринчи котиби лавозимларида ишлади. 1955 йилда у Бўка тумани партия қўмитаси биринчи котиби этиб тайинланди. Ёш раҳбар мактаб-маориф соҳасига катта эътибор қаратди. Мактаб бинолари, ўқитувчиларни уй-жой билан таъминлаш, боғчалар фаолиятини такомиллаштиришга бош-қош бўлди. Натижада мактабларнинг моддий-техник базаси, ўқув-тарбия ишлари яхшиланди. Мутахассислиги

қишлоқ хўжалиги агрономи бўлган раҳбар, аграр соҳада ўзини кўрсатди. Оқибатда, Эркин Шайхов раҳбарлик қилган беш йилда Бўка тумани йиллик пахта режасини бажариш бўйича фақат илғорлар қаторида бўлди.

У 1959-1962 йилларда Тошкент вилоят партия қўмитаси котиби, 1962-1971 йилларда халқ депутатлари Тошкент вилояти Ижроия қўмитаси раиси, 1971-1975 йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири лавозимларида ишлаб, халқ ўртасида катта обрў-эътибор қозонади.

Эркин Турдиевич ушбу лавозимларда ўзининг ташкилотчилик фазилатларини намоён этган бўлса, 1975 йили Тошкент қишлоқ хўжалик институти (1991 йилдан Тошкент давлат аграр университети) ректори этиб тайинланиши унинг, янги, яъни тадқиқотчи-олим, педагог, илмий раҳбар сифатидаги қирраларини очиб берди.

Домла ректорлик қилган даврда хорижий давлатлардан келган талабаларга катта эътибор қаратилган. Айнан шу даврда университет томонидан Европа, Осиё, Лотин Америкасининг 71 мамлакати учун 1039 нафар мутахассис тайёрланган. БМТнинг иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги статистикаси ихтисослиги бўйича малака курсида 75 мамлакатдан 615 нафар киши ўз малакасини оширган.

Э. Шайховнинг илмий-педагогик фаолияти мустақиллик йилларида янада кенг қанот ёзди. У Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби сифатида эътироф ва эътиборига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида мамлакатда қонунчилик асослари яратилишига муносиб ҳисса қўшди.

Унинг ректорлик даврида амалга оширилган ишларини ҳали-ҳануз талаба-ёшлар, ўқитувчи-профессорлар, туман, вилоят, республика даражасидаги раҳбар ва оддий

фуқаролар ҳурмат билан тилга оладилар.

Ўша йилларда халқ депутатлари Қибрай туман Кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимида ишлаган Носир ака Тоиров бундай эслайди:

— Эркин Турдиевич Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлиги билан бир вақтда халқ депутатлари Қибрай туман Кенгашининг ҳам депутати эди. У бошқа депутатлар орасида ўзининг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги билан ажралиб турарди. Эркин ака халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида шунчаки иштирок этибгина қолмай, балки долзарб масалалар, муаммоларни ўртага ташлар, муҳокамада ўзи ҳам фаол қатнашар, уларнинг ечимини топишга қаратилган қарорлар қабул қилинишига ва уларнинг ижроси назоратга олинишига эришар эди. Бир вақтнинг ўзида у Тошкент давлат аграр университети ректори сифатида мазкур ўқув юрти профессор-ўқитувчиларини туман ёшлари ўртасида маърифий-маданий ишлар олиб боришга жалб этарди. Бу албатта ёшларнинг илмга, қишлоқ хўжалик соҳасига қизиқишини орттирар, уларнинг баркамол бўлиб етишишларига хизмат қиларди.

Ўзбекистон енгил саноати ривожига катта хисса қўшган, бугунги кунда нафақада умргузаронлик қилаётган Саидкамол ота Мақсудов бундай дейдилар: “Мен Эркин Шайховни 1950 йили бизнинг авлодга куёв бўлиб келган даврлардан биламан. Эркин Турдиевич турли вақтларда турли лавозимларда ишлади. Аммо масала ва муаммоларни ҳал этишда тўғри ечимини топиб, самарали ва оқилона фаолият олиб борди. У умр бўйи оиласи ва давлат олдида жавобгарликни ҳис этиб яшади. Ўзига ва бошқаларга нисбатан ўта талабчан, одамларни доимо тўғри ва ҳалол ишлашга, Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этган улуг инсон эди. Академик олим кўплаб шогирдлар етиштирди ва уларга садоқат билан ишлашни

ўргатди”.

“Винпром” холдинг унитар корхонаси бош директори, Эркин аканинг қўлида кўп йиллар ишлаган олима Адиба Аҳмаджонова ўша даврларни бундай хотирлайди: “Менинг меҳнат фаолиятимнинг қарийб 17 йили Тошкент давлат аграр университети билан боғлиқ. Университетда дастлаб тайёрлов курсларида биология фани ўқитувчиси, сўнгра аста-секин хизмат пиллапояларидан кўтарила бориб, тарбиявий ишлар бўйича проректор лавозимида фаолият юритдим. Университетнинг ривожини, республикадаги бошқа олий ўқув даргоҳлари ўртасидаги нуфузи қалбимиздан чуқур ҳурмат, эҳтиром билан ўрин олган академик Эркин Турдиевич Шайхов номи билан боғлиқдир. Агар мендан “Сиз бирга кўп йиллар меҳнат қилган Эркин Турдиевич қандай инсон эдилар?” деб сўрашса: “Устоз жуда серқирра, қаттиққўл, ўз нуқтаи назарига эга, принципаал хусусиятлари билан бирга, меҳрибон, эътиборли, омилкор раҳбар эдилар”, деб жавоб қилардим. Устоз, талабаларнинг юриш-туриши, ётоқхоналарининг тартиби, интизомини ҳам алоҳида эътиборларида тутардилар. Ўзлари кечқурунлари вақт топиб, бирма-бир ётоқхоналарни айланиб, талабалар билан суҳбатлашар эдилар. Эркин ака даврида университет нафақат илм ўчоғи, балки маънавият ўчоғи бўлган десам муболаға бўлмайди”.

Шахсан мен Эркин Турдиевич билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аппаратида ишлаган давримда бевосита мулоқотда бўлишимга тўғри келди. Сабаби, улар ўша пайтда Олий Мажлис депутати сифатида парламентнинг Этика комиссиясига раҳбарлик қилардилар, мен ишлаётган бўлим эса уларга бу борада ташкилий жиҳатдан қўмаклашар эди. Мен ўша пайтда ўзимга “Нима учун мазкур Комиссия раҳбарлигига айнан Эркин Шайховни танлашган экан?” деган саволни берар эканман,

бу саволнинг жавобини кейинчалик Эркин аканинг мажлис ва йиғилишлар олиб бориш услубларида, атрофдагилар билан бўлган муносабатларида, парламент сессияларида қатнашган музокараларда топдим. Чунки ёшлиқдан муомала маданиятини ва инсоний дипломатияни яхши ўзлаштирган Эркин Турдиевич баҳс-мунозара олиб бориш тартибини ҳам кўпчиликка ўрнатиб бўладиган даражада яхши билар эди.

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида мен Э.Шайховнинг хотирасига бағишлаб, 2011 йилда нашр этилган “Эзгуликка бахшида умр” китобини яна бир бор ўқиб чиқдим. Унда шундай сатрлар бор: “Ҳали ҳаёт давридаёқ Э.Шайхов қурдирган Аграр университет шаҳарчасини хорижликлар “Шайховград” деб аташарди. Ўзбеклар фахр билан “Шайхов шаҳри” дейдилар”.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг машҳур дарғаларидан бири бўлган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, Зангиота туманидаги “Қорасув” жамоа хўжалигининг раиси Аъзам Қирғизбоевич Абдувалиев Эркин Турдиевич ҳақида бир пайтлар гап борганда: “У киши қалби дарё одам, яна кимга яхшилик қилсам экан, яна кимнинг бошини силасам экан деб яшайди. Шунча одамларга яхшилик қилишга, Эркин Турдиевич қандай улгуради, ҳайрон қолади киши. Бу алломани ҳақли равишда Хазрати инсон, деб атаса бўлади”, деб айтган эдилар.

Эркин Турдиевич Шайхов ҳаёти давомида шонли ва шарафли йўлни босиб ўтди. Бугун у кишини эслар эканмиз, табарруқ номлари олдида таъзим қиламиз. Зеро, умрини халқ хизматида бағишлаган инсонлар хотираси ҳамиша тирикдир.

Эркин Турдиевич ҳаёт бўлганларида жорий йилда 95 ёшни қаршилаган бўлар эдилар. Охиратлари обод бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

СОЯ НАВЛАРИ ДОНИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИГА ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА НИТРАГИН-137 ШТАММИНИНГ ТАЪСИРИ

Холмуродова Г. Р.,

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Тангирова Г. Н.,

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Аннотация. Мақолада, Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ тумани ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда нитрагинли ва нитрагинсиз вариантларда Украина селекциясига мансуб ўртаэртапишар Изумруд, ультраэртапишар Медея ва Ўзбекистон селекциясига оид ўртапишар Узбекская 2, эртапишар Орзу, шунингдек андоза нав сифатида Ўзбекистон селекциясига мансуб ўртапишар Дустлик навини донининг кимёвий (оқсил, мой) таркибига экиш меъёрлари (70, 80, 90 кг/га) ва нитрагин-137 штаммининг таъсири ўрганилган ва натижалари келтирилган.

Олинган натижаларга қўра, шуни таъкидлаш мумкинки, 80 кг/га экиш меъёри ва нитрагин-137 штамми билан ишлов бериб экилганда, нитрагинсиз вариантларга нисбатан барча соя навлари дони таркибида оқсил ва мой миқдори ҳамда оқсил ва мойнинг чиқиши юқори бўлди.

Туп сони кам бўлган вариантларда 1 гектардан чиқадиган оқсил ва мой миқдори камайиб борди. Туп сони ошиб борган сари ўсимликда фотосинтез жараёни ёмонлашди, озиқа моддалар ва намни ўзлаштиришда танқислик сезилди, натижада ўсимлиكنинг ҳосилдорлик органлари шаклланишида ва уруғнинг кимёвий таркибида ўзгаришлар юз берди.

Шундай қилиб, экиш меъёри 80 кг/га ва нитрагинли вариантларда озиқланиши майдони етарли ҳамда кўёш нуридан унумли фойдаланилганлиги учун дон таркибида оқсил, мой миқдори юқори ҳамда вегетатив, генератив органлари устун бўлди.

Таянч сўзлар: соя, навлар, экиш меъёри, нитрагин, инокуляция, кимёвий таркиби, оқсил, мой, ҳосилдорлик.

Соя ўсимлиги ер шарида йилдан-йилга кенг майдонларни эгаллаб бормоқда. Бу ўсимлик 20-27 % мой берадиган асосий экин ҳисобланиши билан бир қаторда, уруғлари таркибида юқори миқдорда, яъни 40-45% гача оқсил тўплайди. Ҳозирги кунда соядан турли хил маҳсулотлар олинмоқда ва ушбу маҳсулотга талаб ошиб бормоқда. Ушбу хусусиятлар эса сояшунос олимларни доннинг кимёвий таркибини ўрганишга ҳамда изланишлар олиб боришга ундамоқда.

Ўз тажрибаларида ҳаво ҳарорати юқори бўлиб, нам кам бўлган йилларда уруғ таркибида мой кам бўлиб, оқсил миқдорининг ошишини аниқлаган. Ўсимлик вегетация даврида ёғин кўп бўлса, уруғда оқсилга нисбатан мойнинг миқдори ошади. Ҳаво ҳарорати ва йиллик ёғин миқдори кам бўлса, уруғ таркибидаги оқсил ҳамда мой миқдори камайиб боради (Енкен, 1959).

Кўпчилик навларда туп сони қалин экилганда оқсил миқдори 0,3-0,6-1,4%

ошганлиги ва 0,2-0,4-0,5% мой миқдорининг камайганлиги кузатилган. Чунки ўсимликлар қалин экилганда, сийрак экилган ўсимликларга қараганда намлик етишмай қолади, намлик етишмаса дон таркиби ўзгаради (Баранов ва бошқ., 2005).

Тупроқ қанча унумдор бўлса, азот шунча кўп бўлади ва бу ҳолатда доннинг кимёвий таркибига нитрагиннинг таъсири кучсиз бўлади, лекин кучсиз таъсир қилсада, доннинг кимёвий таркибида оқсил миқдори ошганлиги кузатилади. Тажрибада нитрагин билан ишлов берилганда оқсил миқдори Лань навида 4% ошганлиги ва мой миқдори 1,7% камайганлиги намён бўлади (Маннопова, 2003; Петибская ва бошқ., 2005).

Уруғнинг сифати асосан кимёвий таркибига боғлиқ бўлади. Маълумки, кимёвий кўрсаткичлар навнинг генетик хусусиятларига ва тупроқ-иқлим шароитига боғлиқ. Шимолий зонада экилганда уруғнинг таркибида оқсил миқдори камаяди, мой миқдори ошади, жанубий

зонада эса оқсил миқдори ошади, мой миқдори камаяди (Ёрматова, 1991; Кучеренко, 2006).

Дон таркибида асосий компонентларнинг тўпланиш даражасига об-ҳаво шароити ҳам таъсир қилади. 1998 йил жуда қурғоқчил келиб, намликнинг етишмаслиги оқсил фоизини ошишига, мой миқдорини камайтишига олиб келди (Кадыров, 2006). Нитрагин ёки ризоторфин билан ишлов бериб экилганда доннинг кимёвий таркибига таъсир кўрсатади (Ширинян, 2005).

Соя экиладиган ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига, экиш меъёрига, ҳарорат ва ҳаво намлиги ҳар хил экологик шароитларда, турли агротехника тадбирларнинг қўлланилиши уруғнинг кимёвий таркибини сезиларли миқдорда ўзгаришига олиб келади. Уруғлар таркибидаги оқсил ва мой миқдори экиш меъёри оширилганда ёки камайтирилганда нитрагин штамми қўлланилганда, у ёки бу томонга ўзгаради (Кучеренко, 2006; Логойда, 2005; Кадыров, 2006).

Уруғнинг оқсил ва мой миқдорининг бирига боғлиқлиги, тескари корреляциялиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Соя навлари экиш меъёрини оширилганда уруғнинг таркибида оқсил миқдори ошади. Барча соя навларида бу хусусият қонуният асосида сақланади. Нитрагин штамми қўлланилганда ҳам уруғнинг таркибидаги оқсил миқдори ошади, мой миқдори камаяди (Енкен, 1959; Петибская, 2005; Кадыров, 2006; Логойда, 2005; Кучеренко, 2006; Ширинян ва бошқ., 2005).

Соя уруғининг кимёвий таркибининг ўзгариши биологик хусусиятларга боғлиқ. Тажриба маълумотларида ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан оқсил миқдори 41,0-(нав Лакта), 47,3 фоизгача (нав Валента) ошиб боради, мой миқдори 17,9-17,1 фоизни ташкил этган. Нав хусусиятлари ва тупроқ-иқлим шароити ингибитор трипсин миқдорига ҳам таъсир қилади, оқсил миқдори ошганда ингибитор трипсиннинг фаоллиги камаяди (Енкен, 1959; Логойда, 2005; Манакова ва бошқ., 2005).

Соя ўсимлиги шимолий ҳудудларда экилганда, уруғнинг оқсил миқдори 36,34%, мой миқдори 25,26%, ингибитор трипсин фаоллиги 28,71 мг/г бўлиб, жанубий томонга силжиганда оқсил миқдори ошади, марказий ҳудудда оқсил миқдори 41,17%, мой миқдори

22,39% гача, ТИА 22,99 мг/г гача камаяди ва биологик маҳсулдорлиги ошади (Кучеренко, 2006).

Тажрибани олиб бориш методикасида белгилангани каби экиш меъёри ва нитрагин штаммининг турли соя навлари донининг кимёвий таркибига таъсири ўрганилди. Соя донининг кимёвий таркибидаги оқсил ва мой миқдори таҳлил қилинганда, экиш меъёрига (70,80, 90 кг/га) кўра ҳамда нитрагин-137 штаммининг таъсирида доннинг кимёвий таркиби ўзгариб борди.

Изланишларимизда экиш меъёри 70 кг/га, нитрагинсиз вариантда ўртапишар Узбекская 2 нави донининг таркибида оқсил миқдори 38,2%, мой миқдори 22,3% ни ташкил этиб, андоза Дўстлик навига яқин (тегишлича 39,4%; 22,4%) бўлган натижа кузатилди.

Энг яхши натижа 80 кг/га экиш меъёри ва нитрагинли вариантда кузатилиб Узбекская 2 нави нитрагинли вариантда оқсил миқдори 39,8; мой миқдори 22,5; Дўстлик нави нави дони кимёвий таркиби таҳлил кўрсатишича 41,2 % 22,6%, тажрибамизда ушбу экиш меъёри мақбул ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, маҳаллий эртапишар Орзу нави 80 кг/га экиш меъёри, нитрагинли вариантда Узбекская 2 навидан ҳам юқори бўлган кўрсаткичга эга бўлиб, дони таркибидаги оқсил миқдори 40,7% ни, мой миқдори 21,8% ни ташкил этди. Ўрта эртапишар Изумруд ва тезпишар Медея навларида 80 кг/га экиш меъёри нитрагинли вариантда ушбу белги бўйича нисбатан бошқача кўрсаткичлар қайд этилди. Яъни донда оқсил миқдори андоза Дўстлик навидан 0,9 %, 2,1%, мой миқдори 2,2%, 1,6% кам бўлганлиги аниқланди. Бунга сабаб Украина селекциясига мансуб бўлган ушбу навлар республикамизга интрадукцион нав-намуналар сифатида кириб келиши ҳамда Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитида, ҳаво ҳароратининг юқорилиги ҳисобига ўрта эртапишар Изумруд навининг эртапишар бўлиб қолиши, эртапишар Медея навининг ультраэртапишар бўлиши, яъни нав хусусиятларининг ўзгариши ўсимликнинг ҳосилдорлиги ва донининг кимёвий таркибига ўз таъсирини кўрсатди.

Тажрибамизда ўрганилган барча соя навларида 70 кг/га ва 90 кг/га экиш меъёрлари, нитрагинсиз ва нитрагинли вариантларда 80 кг/га экиш меъёридагига нисбатан оқсил ва



мой миқдори бошқача натижалар олингани қайд этилди. Экиш меъёри ошириб борилганда ва нитрагин штамми билан ишлов бериб экилганда доннинг таркибида оқсил миқдори ошиб, мой миқдори камайиб бориш қонунияти кузатилди ва тасдиқланди.

Тажрибамизда барча қўлланилган экиш меъёрларида, нитрагинли ва нитрагинсиз вариантларда ўсимликлар донидаги оқсил ва мой миқдори бир-бирига тескари корреляцияда бўлиб, оқсил миқдори юқори бўлган вариантларда мой миқдори кам бўлганлиги қайд этилди.

Тажрибада қўлланилган экиш меъёрлари ва нитрагинли, нитрагинсиз вариантларда ҳосилдорликка нисбатан доннинг таркибига асосан оқсил ва мой миқдори таҳлил қилинди. Бунда ўз навбатида Узбекская 2 навида барча экиш меъёрларида андоза Дўстлик навига яқин бўлган кўрсаткич қайд этилиб, бошқа ўрганилган навларга нисбатан юқори натижа кузатилди. Айниқса, 80 кг/га экиш меъёри ва нитрагинли вариантда Узбекская 2 нави ҳосилдорлиги 3,24 т/га бўлганда оқсил чиқиши 1,2 т/га, мой чиқиши 0,73 т/га бўлиб, ижобий кўрсаткични намоён қилди. Маҳаллий эртапишар Орзу нави (80 кг/га экиш меъёри, нитрагинсиз вариантда ҳосилдорлик -1,95 т/га, оқсил чиқиши-0,77 т/га, мой чиқиши-0,43 т/га; нитрагинли вариант-тегишлича 2,45 т/га, 1,0 т/га, 0,53 т/га) кўрсаткичлари белги бўйича ўрта эртапишар Изумруд навининг кўрсаткичларига яқин (тегишли равишда 1,92 т/га, 0,76 т/га, 0,37 т/га, 2,43 т/га, 0,98 т/га, 0,47 т/га) бўлган натижалар қайд этилди. Бунга сабаб, ушбу навнинг республикаимиз тупроқ-иқлим шароитида ниҳоятда тезпишар бўлиб, нав хусусияти белгиларининг қисман ўзгариши,

ҳаво ҳароратининг таъсири ушбу белгида ҳам сезиларли таъсирини кўрсатди.

Тажрибада қўлланилган 70 кг/га ва 90 кг/га экиш меъёрларида нитрагинли ва нитрагинсиз вариантларда ҳам мақбул ҳисобланган 80 кг/га экиш меъёрига нисбатан паст кўрсаткичлар намоён бўлди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, нитрагинли вариантларда нитрагинсиз вариантларга нисбатан барча экиш меъёрларида юқорироқ натижалар кузатилди.

Туп сони кам бўлган вариантларда 1 гектардан чиқадиган оқсил ва мой миқдори камайиб борди. Туп сони ошиб борган сари ўсимликда фотосинтез жараёни ёмонлашди, озик моддалар ва намни ўзлаштиришда ҳам танқислик сезилди, натижада ўсимликнинг ҳосилдорлик органлари шаклланишида ва уруғнинг кимёвий таркибида ўзгаришлар юз берди.

Демак, экиш меъёри ва нитрагин-137 штаммининг соя навлари донининг кимёвий таркибига таъсири бўйича хулоса қилиб шунини айтишимиз мумкинки, 80 кг/га экиш меъёри тажрибада ўрганилган барча навлар учун мақбул ҳисобланади. Нитрагин-137 штамми билан уруғларга ишлов бериш ҳосилдорликни оширишда, доннинг таркибидаги оқсил, мой миқдорининг ҳамда уларнинг чиқишини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Экиш меъёри 80 кг/га бўлганда дон таркибида оқсил ва мой миқдорининг юқори бўлишига сабаб, ушбу вариантларда вегетатив ва генератив органларнинг шаклланишида озикланиш майдони ўсимликнинг вегетация давомида ўсиши, ривожланиши учун етарли бўлганлиги ҳамда қуёш нуридан унумли фойдаланишига қулай шароит яратилганлигидир.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Енкен В.Б. Соя.-Москва: Сельхозгиз, 1959. - 622 с.
2. Баранов В.Ф., Уго Торо Корреа, Ефимов А.Г. Соя биология и технология возделывания. - Краснодар.: Советская Кубань, 2005.- 433 с.
3. Ёрматова Д.Ё. Соя. - Самарканд: 1991. - 166 б.
4. Кучеренко Л.А. Влияние зоны выращивания сои на биохимический состав семян // Селекция и агротехнология сортов сои северного экотипа: Сб.материалов научно-практической конф. 28 июня 2006. - Воронеж, 2006. - С. 52-56.
5. Кадыров С.В. Особенности биологии и экологии сои северного экотипа // Селекция и агротехнология сортов сои северного экотипа: Сб.науч.прак.конф. - Воронеж, ФГОУ ВПО "Воронежский ГАУ им.К.Д.Глинки", 2006. - с. 17-22.
6. Логойда Т.В. Урожайность и биохимический состав семян сортов сои пищевого использования в зависимости от условий выращивания // Сб.докл.3-й межд.конф.молод.учён. спец. ВНИИМК. - Краснодар, 2005. - С. 129-130.
7. Манакова Т.А., Заостровных В.И., Крапивин Г.П. Исходный материал сои на повышенное содержание белка и масла в зерне // Журнал Масличные культуры. - М, 2005. - №4. - С. 6-7.
8. Маннопова М. Соянинг мақбул кўчат қалинлиги ва дони мойлигининг турли тупроқларда ўзгариши // Пахтачилик ва дончилик журнали.- Тошкент, 2003. - № 3-4. - 49-50 б.
9. Петибская В.С., Кочегура А.В., Баранов В.Ф. Влияние сортовых особенностей, факторов внешней среды и агротехнических приемов на качество семян сои. Соя биология и технология возделывания. Краснодар.: Советская Кубань, 2005 - с 116-125.
10. Ширинян О.М., Чайка Н.Ф. Влияние инокуляции семян на продукционный процесс агроценоза. Соя биология и технология возделывания.- Краснодар.: Советская Кубань, 2005 - с.192-204.

ПОКАЗАТЕЛИ ПРИ КОРМЛЕНИИ БРОЙЛЕРОВ «РОС-308» С ЗАМЕНОЙ ЧАСТИ КОМБИКОРМА, КОРМОВЫМ ПРОДУКТОМ «CBFeed» В 21 ГРУППЕ С РАЗНЫМ ПРОЦЕНТОМ ЗАМЕНЫ

Дадаходжаев А. А.,

*один из изобретателей: «Способа приготовления кормового продукта из
отходов рисовой промышленности»,*

один из владельцев патента на изобретения: Патент РУз № IAP 06705

С каждым годом вопросы снижения цены мяса, молока и яиц для населения становится актуальной для всех стран, в том числе и для Узбекистана. Один из вариантов такого удешевления, может быть снижение стоимости кормов для сельскохозяйственных и птиц. Над этим работают многие ученые и специалисты в этой области. Для снижения себестоимости кормов нужно снизить стоимость используемых в комбикормах ингредиентов, будь то органические ингредиенты, премиксы или другое. Наше изобретение решает несколько вопросов по этой части. Мы изобрели способ приготовления из рисовых отходов, ранее не используемых в кормах, кормового продукта. Кормовой продукт CBFeed состоит на 97 % из рисовой шелухи, появляющегося во время переработки риса, в количестве 20% от объема производства и которое не используется в кормлении никаких видов животных из-за своего состава. В Узбекистане, по данным Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике, каждый год выращивается около 300 000 тонн риса и выходит до 60 000 тонн рисовой шелухи.

Наша команда проводила опыт по кормлению бройлеров кросс «РОСС-308» с заменой части комбикорма на наш кормовой продукт.

Что мы хотели узнать?

- Влияние корма CBFeed на бройлеров в разное время кормления (Старт, Рост и Финиш).
- Установить минимальное и максимальное значение эффективного использования корма CBFeed в качестве замены популярным и более дорогостоящим видам корма.

- Установить влияние корма на бройлеров и на конечный продукт (мяса) - путем закалывания бройлеров из контрольной и экспериментальной группы с проверкой на белки, углеводы, а также на вкус.

Для справки: Бройлеры это один из немногих видов сельскохозяйственных и птиц, которые за период кормления до 45 дней,

питаются только комбинированным кормом и для быстрого и экономически выгодного выращивания, должны соблюдаться единые стандарты в кормах по содержанию протеина, клетчатки и т.д. Есть стандарты по каждодневному росту, набору массы, температурного режима, режима кормления и т.д. То есть это такой вид птицы, в котором все изменения в кормах или в других режимах очень сильно влияют на конечный результат. Мы понимали, что соблюдение всех стандартов, постоянный контроль, проведение независимого анализа данных и фиксирования результатов очень важны для того, чтобы в конечном итоге сделать заключение об эффективности нашего кормового продукта CBFeed.

Для этого нашей командой было взято в аренду помещение, используемой для выращивания бройлеров в Ташкентской области. Созданы все условия для проведения эксперимента, проведено видеонаблюдение, для постоянной видеосъемки.

Было принято решение, что создадим 21 группу по 50 голов бройлеров, 2 из них будут «контрольными», то есть будут питаться только комбикормом во время эксперимента, а остальные группы будут «экспериментальными» и замена части корма будет происходить от 2,5 % до 50%. Поставщиком комбинированного корма, путем отбора была выбрана компания «AGRO KORM UNIVERSAL».

Также на контрактной основе были приглашены в состав комиссии: компания SGS (Ведущая швейцарская компания, предоставляющая услуги по независимой экспертизе, контролю, испытаниям и сертификации) для контроля за достоверностью проведения всего эксперимента, были приняты на работу зоотехник и ветеринар по птицам, был принят на работу птицевод и т.д.

В «Технологическом Задании» мы учли, что проведем с комиссией: общее взвешивание

каждой группы не менее 3 раза за время эксперимента, будем проводить убой с каждой группы, для определения воздействия на внутренности бройлера комбикорма, будем проводить в независимых государственных и частных лабораториях анализ мяса бройлеров, будем вести каждодневный учет передаваемого корма и возврат корма с каждой группы для чистоты эксперимента.

Таблица кормления бройлеров

№ клеток	Название группы	Количество бройлеров	1-7 день Предстарт	8-18 день Старт	19-30 день Рост	31-45 день Финиш
1	С-2,5;Р-2,5;Ф-2,5.	50	0%	2,50%	2,50%	2,50%
2	С-5	50	0%	5%	40%	40%
3	К-1	50	0%	0%	0%	0%
4	С-30;Р-30;Ф-30.	50	0%	30%	50%	40%
5	С-40;Р-40;Ф-40.	50	0%	40%	0%	40%
6	С-50;Р-50;Ф-50.	50	0%	50%	0%	40%
7	С-20;Р-20;Ф-20.	50	0%	20%	20%	20%
8	С-15;Р-15;Ф-15.	50	0%	15%	15%	15%
9	Ф-15	50	0%	0%		15%
10	Р-15	50	0%	0%	15%	0%
11	С-15	50	0%	15%	0%	10%
12	С-9;Р-12;Ф-15.	50	0%	9%	12%	15%
13	К-2	50	0%	0%	0%	0%
14	С-3;Р-6;Ф-9.	50	0%	3,00%	6,00%	9,00%
15	С-10;Р-10;Ф-10.	50	0%	10%	10%	10%
16	Ф-10	50	0%	0%	40%	40%
17	Р-10	50	0%	0%	10%	10%
18	С-10	50	0%	10%	0%	10%
19	Ф-5	50	0%	0%	40%	40%
20	С-5;Р-5;Ф-5.	50	0%	5%	5%	5%
21	Р-5	50	0%	0%	5%	15%

Как проходил эксперимент?

- Все бройлеры (кросс ROSS 308), участвовавшие в эксперименте (всего 1050 штук), были взвешены и пронумерованы группы.

- Мы разделили бройлеров на 21 группу:

- 19 групп получают CBFeed в размере от 2,5% до 50% от общего рациона на этапах Старт, Рост и Финиш.

- 2 контрольные группы питаются только стандартным кормом.

- Показатели стандартного корма для бройлеров:
- Показатели CBFeed:

			Аминокислоты	CBFeed (mg/gr)		
			Аспарагиновая к-та	2,498213		
			Глутаминовая к-та	3,412736		
			Серин	2,082398		
			Глицин	3,82847		
			Аспарагин	0		
			Глутамин	0		
			Цистеин	1,125246		
			Треонин	1,166569		
			Аргенин	1,992993		
			Аланин	2,212004		
			Пролин	2,02639	Витамины	CBFeed (mg/gr)
№	Наименование Анализа	CBFeed %	Тирозин	0,966412		
			Валин	2,83381		
			Метионин	0,967955		
1	Влажность	9.58	Гистидин	4,047212	B2	5,458488
2	Зола	18.03	Изолейцин	1,458134	B6	19,02128
3	Азот	0.63	Лейцин	3,522998	B12	0,701147
4	Протеин	3.77	Триптофан	0	PP	1,573009
5	Жир	0.41	Фенилаланин	1,163956	C	1,628804
6	Клетчатка	49.86	Лизин	0,168818		
8	Фосфор	0.14	ИТОГО:	35,47431		

При этом, мы не добавляем CBFeed к основному корму, а замещаем CBFeed в указанных процентах.

Например: чтобы приготовить 20% корм (группа № 7), мы привозили готовый корм 100 кг, потом убрали из него 20 кг полноценного корма и добавляли 20 кг CBFeed. То есть в корме для группы №7 с самого начала было меньше витаминов, минералов и т.д.

При этом, бройлеры всех групп остались здоровыми и набирали вес.

- Каждый день контролировался температурный режим.
- Каждый день фиксировался вес бройлеров во всех группах.
- Были проведены контрольные замеры с представителями "SGS".

От:
Кому:
Место инспекции:
Дата:

ИП ООО "SGS Tashkent Ltd".
ООО "Olimxon Global"
Ташкентская область, Занги Атинский р/н, КФИ "Туркистан"
16.04.2019

SGS

№ клеток	Название группы	Количество бройлеров на 05.03.19	1-7 день средний вес на 05.03.19 вес нетто (гр)	Количество бройлеров на 23.03.19	8-18 день средний вес на 23.03.19 вес нетто	Количество бройлеров на 04.04.19	19-30 день средний вес на 04.04.19	Количество бройлеров	31-45 день средний вес на 13.04.19
1	C-2,5;P-2,5;Ф-2,5	50	40,36	49	654,286	49	1867,59	49	2967,388
2	C-5	50	41,04	48	671,875	48	1788,85	45	2741,222
3	K-1	50	41,12	51	692,157	53	1898,38	50	2947,4
4	C-30;P-30;Ф-30	50	42,28	44	578,864	44	1595,23	42	2587,976
5	C-40;P-40;Ф-40	50	41,76	49	458,163	49	1599,53	49	2538,98
6	C-50;P-50;Ф-50	50	40,44	51	432,000	51	1507,29	51	2443,706
7	C-20;P-20;Ф-20	50	40,24	48	587,708	48	1349,98	49	2286,837
8	C-15;P-15;Ф-15	50	42,4	51	627,059	51	1552,2	49	2470,163
9	Ф-15	50	40,2	49	713,061	49	1622,57	49	2296,633
10	P-15	50	40	47	700,638	47	1691,45	45	2739,444
11	C-15	50	40,84	50	607,600	50	1643	49	2532,571
12	C-9;P-12;Ф-15	50	40,96	50	641,400	50	1825,4	47	2784,468
13	K-2	50	42,12	47	691,489	47	1958,94	45	3064,044
14	C-3;P-6;Ф-9	50	40,16	49	700,816	49	1908,88	47	2940,213
15	C-10;P-10;Ф-10	50	40,92	50	648,000	50	1740,4	50	2793
16	Ф-10	50	40,52	52	713,462	51	1750,69	49	2667,061
17	P-10	50	40,8	49	708,163	49	1681,73	47	2720,553
18	C-10	50	40,2	50	654,000	50	1723,6	50	2756,1
19	Ф-5	50	41,4	49	727,551	48	1648,02	44	2636,023
20	C-5;P-5;Ф-5	50	40,36	48	673,958	47	1631,06	47	2811,021
21	P-5	50	40,88	49	700,612	49	1664,18	49	2708,653

- Во время и по завершении эксперимента бройлеры из всех групп были зарезаны и исследованы в СЭС Республики Узбекистан и “SGS” на предмет здоровья.
- Также были проведены анализы по влаге, белкам и углеводам.
- Исследования СЭС Республики Узбекистан и “SGS” показали, что мясо бройлеров по завершении эксперимента соответствует норме.



Закключение

• Проведённый эксперимент (длительность - 45 дней) с разными процентами использования корма CBFeed показал, что CBFeed способствует усвоению основного корма.

Также по таблице №2 видно, что при кормлении бройлеров в течении 45 дней с замещением части комбикорма нашим продуктом, конверсия корма приходит в норму, убойный вес к тушке и сумма для набора 1 кг живой массы в «экспериментальных» группах №1, № 12 и № 14 показывает лучшие результаты, чем «контрольные» группы. В то же время в 39 день кормления показатели этих групп немного ниже контрольных.

Во время эксперимента и дальнейшего использования CBFeed в комбикормовых заводах и птицеводами выявилось, что наличие специального запатентованного гриба и его целлюлолитических ферментов, используемых в CBFeed участвует в расщеплении богатого целлюлозой корма на быстро усваиваемые углеводы (глюкоза и др.).

В связи с тем, что CBFeed является ферментативно активным продуктом, он помогает более большому количеству усваиваться ценным веществам в комбикорме, чем при обычном кормлении.

Наличие бактерий, принадлежащих к роду

Bacillus (сенная палочка и другие) в CBFeed: производит амилалитические ферменты, которые расщепляют олигосахариды (крахмал и т.д.) в зерновых и богатых углеводом продуктах, а также протеолитические ферменты, расщепляющие богатые углеводом вещества на быстро усваиваемые аминокислоты.

При этом проявляет антагонистические свойства в отношении условно-патогенных и патогенных микроорганизмов желудочно-кишечного тракта животных и птицы, то есть предотвращает заражение ими и препятствует их развитию.

Микроорганизмы в CBFeed обладают пробиотическими свойствами, которые полезны для желудочно-кишечного тракта животных и птицы, т.е. они обеспечивают нормального функционирования желудочно-кишечной системы.

CBFeed являясь дешёвым и в то же время насыщенным продуктом, он может существенно снизить стоимость кормов для всех видов сельскохозяйственных и птиц.

По нашим проведенным расчетам, использование 50% доступной (30 000 тн.) рисовой шелухи в год для производства по франшизе может сэкономить для птицеводов до 144 млрд. сум. Или не нужно будет использовать на импорт зерновых, злаковых и соевого шрота до 9,0 млн долларов США.

Маҳсулдорлиги жуда юқори бўлган сигирлар лактация муддати бошида етарлича қувватли бўлмаган озиқлантириш натижасида ўзини қувват билан таъминлай олмайди. Бундай сигирлар қувват камомадини бошидан кечирадilar ва энергия ва озуқа камчилигини ўз организми ресурсларидан фойдаланган ҳолда қоплайдилар.

Бундай ҳолда чорва моли аҳволи бирданига ёмонлашиши ҳам мумкин. Баъзи сигирлар энергия камомади даврида 150 кггача вазн йўқотадилар. Ўртача, ҳар бир кг йўқотилган вазн сигирга қўшимча 5-8 литр сут ишлаб чиқариш имконини беради. Ўз вазнидан 4-4,5% миқдорда озурқа истеъмол қилиш ва рацион қувватли озиқ моддалари билан тўйинтирилган ҳолатда сигир ўз организмидаги энергия мувозанатини тиклайди ҳамда максимал даражада сут ишлаб чиқаришга чиқади, айни пайтда қочиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Соғиндан кейинги муддат (юқори сут келтирувчи рацион). Соғиндан кейинги муддат – максимал фойдалилик муддати. Лактация муддатининг энг юқори нуқтасига чиққандан кейин сигир аста секин маҳсулдорликни ойма-ой камайтира боради (ўртача 6-9%). Аммо, шундай бўлсада, кейинги 3-5 ой давомида сигир етарлича озиқланган, озуқада 15-18% протеин миқдори бўлган ҳолда етарлича кўп миқдорда сут беришга қодир бўлади. Ушбу муддат охирига келиб қуруқ озуқа истеъмол қилиш миқдори лактация юқори нуқтасидаги 4%дан 2% тушади. Одатда ҳомиладорликнинг 210-220 кунларига келиб сигир сут ишлаб чиқаришни анча камайтиради ва у қуруқ озуқалардан озиқланишга ўтказилади.

Каммаҳсулдор муддат. Баъзан сигир лактациянинг 5-6 ойларига келиб сут беришни сезиларли даражада камайтиради. Ушбу муддат давомида сигирга юқори қувватли рацион билан озиқлантириш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаслиги мумкин ва сигирнинг семириб, ҳомиланинг ҳаддан ташқари ривожланиб кетишига олиб келиши мумкин.

Маҳсулдорликнинг кескин камайиши биринчи навбатда генетик муаммолар билан боғлиқ (сигир насли етишмовчиликлари).

Сут беришнинг кескин камайиб кетишига яна бир сабаб турли касалликлардан ташқари сигирни озиқлантириш, суғориш ёки боқиш режимидаги бузилишлар бўлиши мумкин.

Бундай ҳолда сут ишлаб чиқариш фойдалилигини таъминлаш ва сигирнинг семириб кетишининг олдини олиш мақсадларида кам калорияли озиқлантиришга ўтиш ҳам мумкин. Бундай рацион озуқанинг 3%дан 2 % ўтиш билан чегараланади. Сут маҳсулдорлиги бўйича генетик етишмокчиликлар фақат кейинги авлодларда бошқа уруғлантирувчи хўкизлардан фойдаланиш орқали бартараф қилинади. Бу йўл билан бўлажак соғин сигирларга лактация юқори нуқтасида эришилган даражанинг энг камида 75% миқдорида сут бериш хусусиятини ўтказиш мумкин бўлади.

Соғин сигирларга фермада озиқ бериш ҳақида баъзи мулоҳазалар. Сигирларни озиқлантириш гуруҳлари сони нафақат иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаш, балки ферманинг моддий базаси билан ҳам белгиланади. Алоҳида рацион олаётган ҳар бир сигир гуруҳи учун алоҳида суғориш, тозалаш ва бошқа зарур тизимларга эга бўлган алоҳида оғилхона зарур. Бунга ферма шароитларида ҳамиша ҳам эришиб бўлмайди. Аммо шундай бўлсада, соғин сигирлардан максимал миқдорда сут олишни истаган фермаларга мавжуд 4-5 асосий гуруҳларга бериладиган (кам сут берувчи, ўртача сут берувчи, кўп сут берувчи, ўта кўп сут берувчи гуруҳлар) рационлардан ташқари биринчи марта болалаган сигирлар учун алоҳида оғилхонага эга бўлиш тавсия қилинади. Фақат биринчи марта туққан сигирларни алоҳида сақлаган ва озиқлантирган ҳолатда бутун чорва подасида генетик жиҳатдан максимал бўлган даражада сут соғиб олишга эришиш мумкин.

(Интернетдан олинди).

МАНГУ БАРҲАЁТ



Хотира... У инсоннинг пок қалбидаги буюқ ҳислардан бири бўлиб, нодир ёдгорликлар тошдан бўлганидек, улуғ инсонларнинг қилган ишлари, ўздан кейин қолдирган илмий мерослари ҳам мисоли тошдек умрбоқий бўлиб, инсонлар қалбида мангу яшайди. Хотира, абадийлик – муқаддасдир, деб бежиз айтилмаган. Инсон муаққат яшаса-да, унинг фарзандлари, ҳамкасблари, шогирдлари унинг умрини давом эттириб, номини абадийлаштирадилар.

Келинг азизлар, ана шундай тўғри сўз, қалби очик, айтган сўзлари пурмаъно, ҳаёти, меҳнат фаолияти, касбга садоқати мазмунга тўла бўлган азиз инсон Собир Каримов номларини бугун яна бир бор ёдга олиб, руҳларини шод айлайлик.

2 апрель 2018 йил улкан, эҳтиросли шоирнинг ёниқ юраги уришдан тўхтади. Кўнгил кўниколмайди, ақл бовар қилмайди... Куни кеча бизнинг орамизда бўлган, дилбар суҳбати, тунда ёзган янги шеъри билан дилларни яйратган, ўзининг борлиги, салобати билан давраларга файз бериб турган устоз бир лаҳзада тарихга айланди қолди.

Собир Карим ниҳоятда зийрак, ўта камтар, ширинсўз, жуда билимдон, инсон эди. У ҳаммамизни сизлаб гапирар, ҳеч нарсани эътибордан қочирмас, исмимизга “хон” ва “жон” қўшиб қақирарди. Ҳаётда майин инсон бўлса-да, юрагида шеъриятнинг асов ғалаёни яшар эди. Собир ака шеър ўқиганида овози тўлқинланиб, ўзи эса ҳаяжонланиб кетарди. Унинг овозидаги табиий титроқ оҳанги баралла сезилиб турар, ортиқча ҳаяжон эса тингловчиларнинг салобатиними, ҳайратиними ҳис қилгандек, унга ҳалал бераётгандек туюларди. Назаримда унинг ўзига хос янгроқ овозида тоғлар виқори, барглар шивири, елларнинг эсиши элас-элас эшитилиб турганга ўхшарди. Майинлик, ширадорлик, самимийлик оҳанглари йўғрилган сатрлар қалбингизни бирдан жумбушга келтиради-ю дилинғизни нурга-зиёга тўлдириб юборади:

Ватан, мен сенинг тупроғингдан яралдим!
Дарёларинг бўлдилар танамга томир,
Кўксимга айланди Тиёншон, Помир.
Ардоқларингдан бунёд бўлди юрагим,
Ўтмишингдан куч олди ёш билакларим.
Сен билан мен абад бир жону, бир тан,
Ватаним, сен менсан, мен эса – БАТАН!

Собир Карим ва унинг шеърлари деганда, табиатнинг бир лаҳзалик манзаралари келади кўз олдимизга. Унинг шеърларини ўқиганимизда шамоллар беланчагида айланиб чарх урган юрак нусха, ял-ял ёниб турган баргизахон, ирмоқларнинг гулдираги-ю, сайроқи қушларнинг тинимсиз чуғур-чуғури, майсаларнинг майин тебраниши, тоғларнинг салобати, водийларнинг маҳобатли ва такрор билмас гўзаллиги саф-саф бўлиб кўз ўнгимдан ўтаверади...

Кўклам жамолига интизор,
Қир-адирлар айлаб лолазор.
Ҳар гал қулиб келганда баҳор,
Юзларингни эслаб қоламан.

Унинг шеърларидаги ширадорлик нимада экан, деб ўйлаймиз гоҳида. Унинг шеърлари назаримизда, табиатнинг бир қисми, ажралмас бўлагидир ёки унинг суратларидир. Собир ака нафақат табиатни ардоқловчи, яхши инсон, самимий дўст ҳам эди. У биз – қаламкаш дўстларининг яқин сирдоши, меҳрибон устози эди десак, асло хато қилмаган бўламиз.

Ўз фарзандидек қадрли, ҳар сони юрагининг бир парчасига айланиб улгурган, ўзига хос чиройли қиёфаю мазмунга эга бўлган “Agro Biznes inform” журналининг нуфузини муттасил ошириб борди. Бугун ушбу нашрнинг минглаб ўқувчилари, мухлислари бор. Демакки, устознинг меҳнатлари зое кетмади. Улар қоғозда қолмайдиган, биз билан яшайдиган, кунда кунимизга ярайдиган бойлигимиз.

Ҳар тонг Собир акани эслаймиз. Ҳа, ўша чумоли янглиғ меҳнаткаш, ҳеч кимга озор бермайдиган, камтар, камсуқум, яхши шоир ва самимий инсон – Собир ака Каримовни! У кишидан яхшилик қолди. У кишидан яхши фарзандлар қолди. У кишидан ҳали китоб шаклига кирмаган яхши шеърлар, қиссалар қолди. “Agro Biznes inform” журналининг кўп йиллик сарғаймас тахламларида қалб ҳарорати, уйқусиз тунларнинг ҳосиласи бўлмиш очерк ва мақолалар, ширин-ширин суҳбатлар қолди.

Дунёда тасалли деган кўнгил малҳами бор. Ана шу малҳам борлиги туфайли инсон ҳўл ёғоч сингари синиб кетмайди. Биз фақат устозимиз Собир аканинг журналистик фаолияти ҳақида, унинг инсоний фазилати ҳақида фикр юритдик, холос. У киши улгурмаган эзгу ишларни фарзандлари, дўстлари амалга оширади деган умид кўнгилга сал бўлса-да, тасалли беради. Илоҳим шундай бўлсин!

Собир Каримов умр бўйи “Умримнинг ҳар дақиқасида одамларга яхшилик қилиб, ҳамма вақт касбга садоқат ила хизмат қилишни ўзимнинг ҳаёт тарзимга айланишини истаган эдим ва шунга эришдим” деган ҳаётий шиорларига амал қилиб яшадилар. Бу азиз инсон сидқидилдан бажарган ҳалол меҳнатлари, яратган мактаблари ила мангу барҳаётдирлар. Уларнинг порлоқ хотираси соҳа мутахассислари, фарзандлари ва шогирдларининг қалбида абадий сақланажак.

Бир гуруҳ касбдошлари
номидан Сурат БАХРАМОВ.



КАМТАРИН РАҲБАР ЭДИ

Носир Тоиров,
меҳнат фахрийси,
Ўзбекистон Журналистлари
уюшмаси аъзоси

Аъзамхон Тўрахонов 1942 йил 10-майда Наманганда таваллуд топган. Ўрта мактабни муваффақиятли тамомлагандан сўнг, у 1967 йилда Наманган пединститутини, 1979 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини, 1987 йилда эса Тошкент Олий партия мактабини битирган. Аъзамхон ака астойидил ўқиб, тарих ўқитувчиси ва олим-агроном мутахассисликларини эгаллади.

А.Тўрахонов меҳнат фаолиятини 1958 йилда Наманган шаҳри корхоналаридан бирида шогирдликдан бошлаган. Йиллар ўтиб, унинг фаолияти комсомол-партия органлари билан узвий боғланди: Калинин (ҳозир Зангиота тумани) комсомол комитети инструктори, Оржоникидзе (ҳозир Қибрай тумани) туман комсомол комитети бўлим мудир, биринчи котиби, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети сектор мудир, комсомол Тошкент вилояти қўмитаси котиби, Тошкент туман партия қўмитаси котиби, иккинчи котиби ва ниҳоят биринчи котиби, Давлат сув қурилиш қўмитаси бошқарма бошлиғи, “ШОҲИКБОЛ” ташкилоти Бош директори, “Ўзкўргазмасавдо” ташкилоти кузатув кенгаши раисининг маслаҳатчиси ва ниҳоят, Халқ таълими вазирлиги тизимида масъул лавозимларда фаолият кўрсатди.

А.Тўрахонов Калинин (ҳозир Зангиота тумани), Оржоникидзе (ҳозир Қибрай) туманларида ишлаб, машҳур хўжалик раҳбарлари Меҳнат қаҳрамонлари Абдуҷамил Матқобулов, Туроб Нормуҳамедов, Назрулла Маннонов, тажрибали вилоят ва туман миқёсидаги раҳбарлар Малик Абдураззоқов, Нурмат Қирғизбоев, Раҳматилла Қамбаров, Ботир Тошхўжаев, Турсумат Холбоев, Тўлқин Миркомиллов, Юрий Хайдунов ва бошқалардан кўплаб маслаҳатлар, ўғитлар олди, кўп нарсани

улардан ўрганди.

Комсомол республика Марказий Қўмитасида ишлаш даврида ёшлар етакчилари Раъно Абдуллаева, Эргаш Ғофуржонов, Аъло Хўжаев, Виталий Арсентьев, Тоштемир Қаҳрамонов, Мақсуд Ўзбеков, Абдурашид Исахўжаев, Маҳмуд Абдурайимов, Арслон Тўқсонов, Шухрат Жалилов ва бошқалар билан Ўзбекистон миқёсида олиб борилган ишларда фаол иштирок этди.

1971 йилда А.Тўрахонов Тошкент вилояти комсомол қўмитаси котиби этиб сайланди. Бу лавозимда ишлар экан, кўплаб ишларга ташаббускор бўлди. Омил Исоқов, Владислав Ардатов, Маргарита Мирсагатова билан бирга вилоят ёшларига етакчилик қилди, вилоятда “Биз ватанпарвар-байналминалчилармиз” фестивали, “Ёш истеъдодлар овози” танлови, цирк санъати кўриғи ва бошқа нуфузли тадбирларга бош-қош бўлди. Вилоят раҳбарлари бўлган М.М.Мусахонов, В.В.Окунский, Т.А.Алимов, З.Х.Хўжаев лардан кўплаб раҳбарлик борасида маҳорат дарсларини олди.

1975 йил 26 ноябрда Ўзбекистон ҳукуматининг Тошкент туманини ташкил этиш ҳақидаги қарори чиқди. Ўзини Тошкент вилоятида фаол, ғайратли ташкилотчилигини намоён этган А.Тўрахонов янги туман партия қўмитаси котиби этиб сайланди. Қўмитада у кейинчалик иккинчи котиб ва ниҳоят биринчи котиб – туман раҳбари этиб сайланди.

А.Тўрахонов ҳаёт тақозоси билан турли ташкилотларда масъул лавозимларда ишлади, лекин шуни қайд этиш лозимки, унинг барча ташкилотчилик, ишни кўзини билиш қобилиятлари айниқса, Тошкент тумани партия қўмитасида 14 йил давомида ишлаши даврида ёрқин намоён бўлди. Аъзамхон Тўрахоновнинг Тошкент туманига раҳбарлик қилган вақти, ўша

пайтдаги Марказнинг ғаразли ниятда тўқиб чиқарган “пахта иши”, “ўзбек иши” авж олган, “десантчи”лар тўп-тўп бўлиб, Ўзбекистонга келиб, нуфузли раҳбарлик лавозимларни эгаллаётган вақтга тўғри келди.

Шуни қайд этиш керакки, ўша пайтда Тошкент туманида Меҳнат қаҳрамонлари Ғуломмахмуд Абдуллаев ва Турғун Мирзаев, Сиддиқжон Муҳаммаджонов, Нодир Боймуҳаммедов, Зоир Жалилов, Саъдулла Раҳматуллаев ва бошқалар раҳбарлигидаги хўжаликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда республика ва вилоятда пешқадамлардан бўлишган. Туман шу билан бирга, катта илмий салоҳиятга эга тумандир. Бу ерда ўша пайтда машҳур академик, Меҳнат қаҳрамони Маҳмуд Мирзаев раҳбарлигидаги Р.Шредер номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси”, Йўлбарс Каримов раҳбарлигидаги “Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти”, Абдушур Хоназаров бошлиқ “Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш институти”, техникумлар, мактаблар, боғчалар, автотранспорт, саноат корхоналари жойлашган эди.

Туманга раҳбарлик қилар экан, Аъзамхон Тўрахонов туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, унинг маънавий ва маърифий равнақиға улкан ҳисса қўшди, ходимлар саводхонлиги, уларнинг ижрочилик қобилиятига алоҳида эътибор, кадрлар тайёрлаш, уларнинг сиёсий-маданий савиясини юксалтириш ҳақида ғамхўрлик қилди. Аъзамхон Тўрахоновнинг раҳбар сифатидаги муҳим фазилатларидан бири, бу ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик илғорлари, маданият, санъат, адабиёт ва спорт пешқадамларига имкон қадар ёрдам бериш, тумандаги ҳар бир фуқаро, ташкилот эришган ғалабаларидан фохрланиш, хайрли ва бунёдкорлик ишларда уларга кўмаклашишдан иборат эди.

А.Тўрахонов раҳбарлигида қишлоқ хўжалигига илғор технологиялар, илм-фан ютуқлари изчил жорий этилгани, халқимизнинг бой деҳқончилик анъаналари тикланиб боришлиги, ишлаб чиқариш муносабатлари оқилона ташкил этилгани сабабли, туманда ҳар йили ғалла, картошка, сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари бўйича, шартнома режалари ортиғи билан бажариларди, пойтахт аҳолисини қишин-ёзин мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда, туман меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшишарди.

А.Тўрахонов ўз фаолияти жараёнида

ободончилик, қурилиш ишларига алоҳида эътибор берар эди. Унинг раҳбарлиги даврида қатор мактаблар, боғчалар қурилди, Охунбобоев хўжалигидаги шифохонада туғруқхона бўлими очилди, Хасанбой қишлоғида уч қаватли янги шифохона биноси қурилди, винзавод, универсал дўконлар ва бошқа иншоотлар ишга тушди. Аъзамхон Тўрахоновнинг республика фаоллар орасида ўзига хос нуфузли ўрни бор эди ва у кишини кўплаб катта аҳамиятга эга тадбирларга жалб қилишар эди. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, А.Тўрахоновни яхши билган атоқли давлат ва жамоат арбоби, академик Оқил Умурзоқович Салимов, яқинда бўлган бир суҳбатда, Аъзам Тўрахонович раҳбарлигида Тошкент туманида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилганлигини мамнуният билан қайд этди.

Тошкент туманида республика ва вилоят миқёсида ишлаган ва ишлаётган кўплаб раҳбарлар етишиб чиқди. Улар орасида генерал-полковник Зокир Алматов, генерал-майор Комилжон Ғофуров, полковниклар Тоҳир Маҳкамов, Бахтиёр Ҳакимов, Виктор Колинковский, республика ва вилоят миқёсида раҳбарлик лавозимларда ишлаган Бахтиёр Ҳамидов ва бошқаларни тилга олса бўлади.

А.Тўрахонов қайси лавозимда ишламасин, доим маданият ва санъат масалаларига алоҳида эътибор бериб келди. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев яқинда маданият ва санъат ходимларига йўллаган табригида: “Ҳаммамизга аёнки, инсон қалбига олижаноб фазилатлар, эзгу ҳис-туйғуларни сингдириб, жамиятни бирлаштириш ва тараққий эттириш, халқни, Ватанни дунёга тараннум этишда маданият ва санъатнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир.”, – деб айтганлари бежиз эмас, албатта.

Тошкент туманида кўплаб маданий тадбирлар ўтказилди. Ўзбекистон Халқ артистлари Зикр Муҳаммаджонов, Раззоқ Ҳамроев, Соиб Хўжаев, машҳур шоирларимиз Эркин Воҳидов, Халима Худойбердиева, Акмал Пўлат, Эътибор Охунова, Ойдин Ҳожиева, Юсуфжон Ҳамдам, Анвар Исроилов туманда азиз меҳмон бўлганлар. Раззоқ Ҳамроев Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасини ўқиб берганда, Меҳнат қаҳрамони Ғуломмахмуд Абдуллаев раислик қилган хўжалик клубининг зали ларзага келган, тадбир иштирокчилари ўрнидан туриб қарсак чалишган.

А.Тўрахонов қаерда ишлашдан қатъий назар, қандай лавозимда ишлашдан қатъий назар виждонан, астойидил, ишга ижодий ёндашиб фаолият юритди. Унинг самарали меҳнати қатор Ҳукумат мукофотлари билан

тақдирланди. Унга Халқ таълими аълочиси номи берилди ва у биринчи даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонига сазовор бўлди... Тошкент туманидан чиққан таниқли қўшиқчи шоир Тўхтамурод Деҳқоний инсоний фазилятлар куйчиси эди. Бир шеърида у шундай ёзган:

Ҳалоллик туғма виждондир, ёшликдан сақла покиза,

Бу – бир бахт, сақлай олганни бахтидан ажратиб бўлмас.

Ҳа, Аъзамхон акани бутун ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳалоллик тамойилида ўтди.



Суратда:

А.Тўрахонов дўстлари ва бир гуруҳ санъат арбоблари даврасида

Охирги йиллар, донишмандлик ёшида ҳали ҳам ғайрати жўшиб, ёш раҳбарлардан, ёшлардан ўзини тажрибасини аямасдан ўртоқлашди, республика “Нуроний” жамғармаси фаолиятида Шавкат Йўлдошев, Абдухошим Муталов, Саидмухтор Саидқосимов, Собир Қурбонов, Ботир Тошхўжаев, Аъло Хўжаев,

Шавкат Тўлаганов, Бўстон Эргашев, Шавкат Миралимов, Турсумат Холбоев, Абдухалил Абдужамилов билан бир қаторда ишчанлик билан иштирок этди. Бугун А.Тўрахоновни эслар эканмиз, у кишини Аллоҳ ўз раҳматига олсин, деймиз.



Суратда:

А.Тўрахонов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Р. Калонов “Туркистон” саройидаги дўстлик тадбирида



Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Ўзбекистон халқ шоири

НАВОИЙНИНГ БОҒЛАРИ

Адабиёт муаллими
Бизлар бола чоғлари,
Дарс берарди Ҳиротда, деб
Навоийнинг боғлари.
Сиз ҳам асли кўчатлари,
Барглари, япроқлари —
Навоийнинг боғларисиз,
Навоийнинг боғлари.

Йиллар ўтди. Болалик ҳам
Ортда қолди бир умр.
Навоийнинг боғлари лек
Ёдда қолди бир умр.
Биз англадик — надир Ватан,
Томирлари, шохлари.
Эътиқод ҳам иймон экан
Навоийнинг боғлари.

Аввал фарзанд бўлар одам,
Кейин инсон бўлгайдир.
Ўз тупроғин қадрин билган
Диллар осмон бўлгайдир.
Кўнгилларнинг Ҳақ йўлида
Заҳмату қийноқлари —
Навоийнинг боғларидир,
Навоийнинг боғлари.

Сув келтирган элда азиз,
Боғ яратган — бахтиёр.
Инсон умри кўприқлардир,
Йиллар, йўллардир қатор.
Бу томони — Ҳиротгача,
Қашқардир нарёқлари,
Навоийнинг боғларидир,
Навоийнинг боғлари.

Маърифатдир оламшумул,
Муҳаббатдир жаҳоний.
«Насойим ул — муҳаббат» ҳам
«Хазойин ул — маоний».
Осмонлари руҳдан бино,
Қалб эрур тупроқлари,
Навоийнинг боғларидир,
Навоийнинг боғлари.

Сен кўнгилни тоза тутгил,
Юртни ҳам озода тут.
Юрт дегани боғ экандир,
Боғ дегани - она юрт.
Тўлиб тошар экан токи
Эзгулик қирғоқлари,
Яшар абад, яшнар абад
Навоийнинг боғлари.

МИР АЛИШЕР

Тирикликнинг бонги Навоий,
Буюкликнинг ранги Навоий.
Бир ёришди зим-зиё олам,
Туркийларнинг тонги Навоий.

Беш асрлик рўёдир дунё,
Беш асрлик ўнги Навоий.
Бир уммонким, ибтидоси йўқ,
Йўқдир унинг сўнгги — Навоий.

Ўтган сайин илдамлаб кетгай,
Борган сайин янги Навоий.
Ватан каби поёни йўқдир,
Ватан каби мангу Навоий.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ

Навоий сенга ҳар бир тун керак бўлгай,
Агар шодсан ва ё маҳзун – керак бўлгай.
Агар ошиқ эрурсан - лолазорингдир,
Агар Лайлосану Мажнун - керак бўлгай.

Агар уммон билан суҳбат қурай дерсан,
Агар ўзни десанг Жайхун - керак бўлгай.
Билай дерсан надир кўнгил биноси ҳам
Надир одам, надир очун - керак бўлгай.

Навоий осмондир, осмонийдир,
У гардун ичрадир гардун - керак бўлгай.
Сенинг бу оламинг фиску фасод бирла,
У бир оламдурур гулгун - керак бўлгай.

Навоийнинг Ватан янглиғ қиёси йўқ,
Ватан янглиғ сенга ҳар кун керак бўлгай.

ЭЙ ДИЛБАРИ ЖОНИМ МЕНИНГ (таржималар)

МУҚАДДАС ТУЙҒУЛАР

Бизни азал-азалдан айлаган сеҳр,
Юрак озиқлангай шулардан фақат:
Момо ўчоқларга нисбатан меҳр,
Бобо мозорларга бўлган муҳаббат.

Инсон — шу муқаддас туйғуларга тан,
Уларсиз замин ҳам бўшаб қоларди.
Уларсиз беқадр бўларди Ватан,
Худосиз меҳробга ўшаб қоларди.

Қувғин кунларимда, ғариб тунларда
Қуръонни қироат айлардим такрор.
Юпанч фариштаси учиб келдию
Қўлимга тутқазди ногоҳ бир тумор.

Ўлмас оятларнинг зўр қудратидан
Қалбимда умидлар илдиз ёрарди.
Ундаги муқаддас калималарни
Илоҳий, нурли қўл ёзиб борарди.

А.Пушкин

МЕН ДЎСТЛАР КЎНГЛИГА БАҲОР КЕЛТИРДИМ

Ўйлагил, бу булоқ қаердан келгай?
На ғойиб ва на ё сиридан келгай.
Жумла инсонларнинг кўзёшидир у,
Фаввора уриб ер қаъридан келгай.

Ким атди: биз бешиқдан
Ёлғиз гўрга кетгаймиз?
Олис йўлдан келганмиз,
Олис йўлга кетгаймиз.

Жуда ғаройибдир, ажибдир инсон,
Мудом неларнидир ўйлаб яшайди.
Биров чўққилардан изласа ошён,
Биров чўққилардан ўтин ташийди.

Мен дўстлар кўнглига баҳор келтирдим,
Ошиқлар дилига хумор келтирдим.
Ҳижрон даштларида йўқолганлардан
Салому хушхабар, ёдгор келтирдим.

Лойиқ Шерали

ДЎСТ ЗИЁСИ

Мен дўстимни кутяпман. Дарвоза очик,
Кўча чироғин ҳам кўибман ёқиб.

Мен дўстимни кутяпман. Кимсасиз томон,
Ҳат кутиш нури билан нурафшон.

У йўлда — ёнғинга елгандай елар,
Мен оғир кунда келгандай — келар.

Келар. Томлар узра нурга қоришиб,
Қарағай дарахти тургай ёришиб.

Ялтиллаб чопар ит. Сен дўстми, бўйноқ?
Сенинг ўз ғамларинг етарли бироқ...

Бегона чироқлар тўлдирар тунни —
Мен ахир кутяпман дўстимни.

Келаман деганди тўққиздан кейин,
Ҳамма кино кўрар бунда бетайин.

Адоват киради. Очмайди бағир —
Мен дўстимни кутяпман ахир.

Йиллар ҳам ўтяпти — у дўст ҳамон йўқ,
Нурлар табиатдан бўлар тамом йўқ.

Жаннатданми, жаҳаннамда кўришамиз юз,
Умр бўйи дўст кутяпман, умр бўйи дўст!

Келаман деганди — тақдир, қарагил,
Тақдир, сен йўлларда уни асрагил.

А.Вознесенский

БУ ДУНЁДА БИР АЖИБ УЙ БОР

Тақдир — ҳақдир. Чирранма унга,
Бор қилар ҳам йўқ қилар тақдир.
Бошқа ёзмиш берилмас сенга,
Ҳаёт янглиғ тақдир ҳам ҳақдир.

Эҳтиёт қил руҳи жонингни,
Дунё кенгдир доимо кенгга.
Сотма фақат руҳ, имонингни,
Бошқа руҳ ҳам берилмас сенга.

Бу дунёда бир ажиб уй бор,
Дўстлар унда жамдир бахтиёр.

Унда — баҳор, гул ҳам настарин,
Кимдир куйлар ҳаёт рангларин.

Унда руҳни зулмат қопламас,
Мени ҳам бир эсласалар бас.

А. Файнберг

ХОРАЗМНИНГ ЕВРОПАЛИК ҚИЗИ



Жўрабек СИРОЖИДДИНОВ

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида эстрада юлдузи Анна Германнинг дилбар қўшиқларидан барча шинавандалар ҳайратга тушарди. Унинг “Умид”, “Севги садоси”, “Боғлар гуллаганда”, “Аве Мария”, “Чарақла, чарақла менинг юлдузим” каби қўшиқлари янграганда олам тин олган, шинавандаларга тўлган нуфузли концерт заллари олқишларга кўмилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Ёзувчилари уюммаси аъзоси, шоир Асрор Мўминнинг нашрдан чиққан “Анна Герман” номли китоби айнан машҳур эстрада хонандасига бағишланган бўлиб, унинг қисқа, лекин ёрқин ҳаёт ва ижод йўлига бағишланган.

Эътиборлиси, Анна Герман 1936 йил 14 февраль куни Хоразм вилояти Урганч шаҳрида туғилган. Отаси Евгений Герман пианино ва скрипкани яхши чаларди, ёқимли овози бор эди, умр йўлдоши Ирма Мертенс билан жўрликда дилбар қўшиқлар ижро этарди. Анна ота-онаси қўшиқларини тинглаб улғаярди. Афсуски, болаликнинг беғубор онлари узоқ давом этмади, отасига “халқ душмани” деган айблар қўйилиб, 1937 йилда қамоққа олинди (ҳолбуки, у ун заводида оддий ҳисобчи эди), 1938 йилда уни отишга чиқарилган ҳукм ижро этилди (1957 йилда тўла оқланди). Онасининг хавотирли кунлари бошланди, чунки уни ҳам ҳар лаҳзада қамоққа олишлари мумкин эди. Шу боис Ирма поляк Герман билан номига бўлса ҳам никоҳдан ўтди. Бу никоҳ унинг бироз хотиржам нафас олишига ёрдам берди.

Анна ўзбек қўшиқ-оҳанглари тинглаб вояга етди. Онаси қизининг қизиқишини сезиб, ўзи ўқитувчилик қилаётган мактабнинг мусиқа тўғарагига олиб борди. Анна тўғарақда пианино чалишни ўрганди, қўшиқ куйлади. Уруш тугаши

билан Ирма Мертенс ташвишлардан қутулиш учун поляк эрини излаш баҳонасида онаси ва қизи билан 1946 йилда Польшага кўчиб борди.

Зеҳнли Анна поляк тилини тезда ўрганди (у поляк тилидан ташқари рус, инглиз, итальян ва немис тилларини ҳам яхши биларди). У мактабдаги тадбирларда қўшиқ куйларди. Лекин мактабни тугатгач, онаси маслаҳатига кўра Вроцлав институтининг геология факультетига ўқишга кирди (институтни 1962 йилда тугатди). Талабалик даврида қўшиққа қизиқиши устун келиб, 1960 йили “Каламбур” ҳаваскорлар ансамблида илк қўшиғини айтди. Анна Варшава консерваторияси профессоридан ва Италияга бориб мусиқий сабоқлар олди. Польшанинг Жешув шаҳридан унинг қўшиқларини тинглаш учун келган профессионал ансамбль раҳбари Юлиан Кшивка Аннани ўз ансамблига таклиф этди.

Айнан шу ансамблда Аннанинг истеъдоди очилди. Эстрада хонандалигига рухсатнома берувчи давлат комиссияси қошида қўшиқ куйлаб, профессионал эстрада хонандаси мақомини олди. 1964 йили Польшанинг Опол ва Сопот шаҳарларида бўлган халқаро қўшиқ фестивалларида биринчи ўринни эгаллаши унинг юлдузли онларини бошлаб берди. Кўп ўтмай Россияга гастроли уюштирилди ва унинг қўшиқлари ёзилган грампластинка чиқарилди. Кейин турли давлатларда концерт берди ва нуфузли қўшиқ фестивалларида соврин билан тақдирланди.

Аннанинг юлдузли онлари кўққисдан бўлинди. 1967 йил 27 августга ўтар кечаси Анна Италияда автомобиль ҳалокатига учради. Унинг суякларининг 49 жойида синиқ борлиги аниқланди. Бутун танаси гипсланди. Анна икки ҳафтадан кейин хушига келди. У гипсланган ҳолатида Польшага олиб келинди. Шу ҳолатида бир йилга яқин муолажа давом эттирилди. Бирин-кетин гипсдан фориг бўлди. Ниҳоят, у ўнг қўлини қимирлатди, тинимсиз ҳаракатланишни машқ қилди. Фурсатни ғанимат билиб, Анна ўзи ҳақида “Соррентога қайт” китобини ёза бошлади. Бу китоби 1970 йили 30 минг нусхада нашр этилди. Китоб тезда сотилгани учун қайта нашр этилди ва бошқа тилларга ўтирилди.

Муваффақият Аннага куч бағишлади, бўлажак турмуш ўртоғи Збигнев Тухолский (улар 1960 йилда танишган бўлса ҳам 1972 йилга келибгина никоҳдан ўтишган) ижарага олган пианинода мусиқа чалди ва қўшиқ куйлади. Ўзи куй басталаб, “Одамлар тақдири” туркум қўшиқлари устида ишлади. Овоз ёзиш студиясига бориб, минг машаққат билан қўшиқларини

ёздирди. Бу қўшиқлар ёзилган грампластинкалар тезда сотилди, қайта-қайта чиқарилди. Аммо Аннанинг саҳнага чиқиб концерт беришга ҳали кучи етмасди.

1971 йилда унга рус дугонаси Анна Качалина машхур композитор Александра Пахмутова шоир Николай Добронравов шеърига басталаган “Умид” (“Надежда”) қўшиғи клавиатурасини жўнатди. Қўшиқни ижро этиши биринчи навбатда Аннанинг ўзига умид бағишлади.

Умид сўнмас йўлчи юлдуздир,
Жасоратга мукофот – омад.
Юрт туйғуси муқаддас сўздир,
Юрт ҳақида куйланг сарбаланд!

1972 йилнинг баҳорида Польшада, кузида Россияда гастроль концертларини берди. У ҳар бир концерти охирида шинавандалар илтимосига кўра “Умид” қўшиғини 2-3 марта жонли ижро этди. Умуман олганда, у қўшиқларни жонли куйларди. Фақат бир марта фонограммадан фойдаланган...

У 1977 йил баҳорида яна бир умрбоқий қўшиғини ижро этди. Гап “Тақдир” фильми учун композитор Евгений Птичкин ва шоир Роберт Рождественский томонидан Анна Герман овози учун ёзилган “Севги садоси” (“Мы эхо”) қўшиғи устида бормоқда. Бир зумгина Москвага келган Аннани фильм ижодкорлари оркестр билан киностудияда кутиб туришарди. Анна фурсатни бой бермай, оркестр жўрлигида куйлади.

Мажнунтол бош эгиб етказар розинг,
Юлдузлар йўғрилар шууримизга.
Минглаб қақиримдан келар овозинг,
Биз – садо,
Биз – садо,
Биз сўнмас садомиз бир-биримизга!..

Қўшиқ тугади. Барча қўшиқ сеҳридан ҳайратга тушиб, қотиб қолганди. Анна бу ҳолдан ҳайрон бўлиб, фильм режиссёри Евгений Матвеевдан сўради: “Балки қўшиқни бошқатдан ижро этарман”. Шундагина барча сергак тортиди, гулдурос қарсақлар янгради.

Москвага декабрь ойида бўладиган “Қўшиқ-1977” фестивалига келган Аннага мухлислар талабларига кўра дастурга “Севги садоси” қўшиғи ҳам киритилганини айтишди. У ҳайрон бўлиб қолди. Чунки қўшиқни бир марта ижро этганди, фильм эса ҳали намойиш этилмаганди. Хуллас, фестиваль ташкилотчилари хоҳишига кўра “Севги садоси” қўшиғини Лев Лешченко билан фонограмма ёрдамида ижро этди. Лекин олдиндан белгиланган “Боғлар гуллаганда” қўшиғини жонли куйлади. Бу фестивалдаги ягона жонли ижро эди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўшиқлар куйлаган Анна Герман юртимизга келганми? У юлдузли онларида ҳам Ўзбекистонга келишни орзу қилиб яшади. 1979 йилда Аннанинг орзуси ушалди. Унинг Қирғизистон ва Қозоғистон бўйлаб гастроли уюштирилди. Гастроль даврида Тошкент ва Самарқандда бўлишга имкон топди. Ҳатто Анна Германнинг мухлислари тезкор суръатда

Тошкентдаги санъат қононасида иккита концертини ташкил этишди.

1980 йили Москвадаги “Лужники” стадионида уюштирилган катта концертда иштирок этди. “Боғлар гуллаганда” қўшиғини жонли куйлади. Ўйингоҳга келган 100 мингдан ортиқ шинаванда тик турганча қарсақ чаларди. Бу вақтда “Тез ёрдам” машинаси Анна Германни шифохона сари олиб кетарди. Польшага қайтгач, уйда ва шифохонада даволанди. Шартнома илгарироқ тузилгани ва ўзи жуда хоҳлагани учун Австралияда гастроль концертларини берди. Австралияда бошланган муолажалар Польшада давом этди...

Оғир автомобиль ҳалокати асоратини кўрсатди. 1982 йил 26 август кuni Анна Герман мангу уйкуга кетди. Унинг хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Ўша йиллардаёқ дунёнинг кўплаб шаҳарларида бўлгани каби Урганчдаги кўчалардан бирига Анна Герман номи берилди. 2001 йили эса Анна Герман таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан Урганчда ҳам хотира тадбири ўтказилди.

1987 йилдан рус астрономи кашф этган 2519-рақамли астероид Анна Герман номи билан аталди. Ўша йили Польшанинг Зелёна-Гура шаҳрида Анна Герман хотирасига бағишланган халқаро қўшиқ фестивали ташкил қилинди. 2012 йилда Европа кино ижодкорлари ўн қисмдан иборат “Анна Герман. Оппок фаришта сирлари” бадий фильмининг яратишди...

“Тафаккур қаноти” нашриёти чоп эттирган “Анна Герман” китоби машхур хонандамизга бағишланган юртимиздаги биринчи тўпландир. Ишончимиз комил, она тилимизда Анна Германга бағишланган янги китоблар ёзилади.

Қуйида китобдан ўрин олган, Анна Герман томонидан ижро этилган қўшиқлардан бирини чоп этмоқдамиз (Р. Рождественский шеъри, А.Мўмин таржимаси):

СЕВГИ САДОСИ

Мажнунтол бош эгиб етказар розинг,
Юлдузлар йўғрилар шууримизга.
Минглаб қақиримдан келар овозинг,
Биз — садо,
Биз — садо,
Биз сўнмас садомиз бир-биримизга!

Йироқда бўлсанг ҳам яқинсан дилга,
Ахир, тўсиқ йўқ қалб шивиримизга.
Яна бизни соғинч чорлади йўлга,
Биз — хаёл,
Биз — хаёл
Биз учқур хаёлмиз бир-биримизга!

Дунёнинг четида ўт ёқар қирон,
Ажал таҳдид солар гул умримизга.
Азизим, биз учун бошланмас ҳижрон,
Биз — ёдгор,
Биз — ёдгор,
Биз боқий ёдгормиз бир-биримизга!

ОРКЕСТР МАЛИКАСИ

*Muslimaxon Maxkamova,
O'zbekiston davlat konservatoriyasi magistranti*



Torli cholg'u asboblari ichida keng miqyosda tarqalgani va sozandalar o'rtasida ommalashgani bilan ajralib turuvchi soz, bu – skripka bo'lib, u «Orkestr malikasi» deya e'tirof etilgan. Shuning uchun bo'lsa kerak, yuzdan ortiq musiqachilardan iborat katta orkestrda ularning uchdan bir qismini skripkachilar tashkil etadi.

Ko'pgina tadqiqotchilar skripka dastlab, Evropada XIV-XV asrlarda paydo bo'lgan deb hisoblashadi.

Rebek Evropaga Yaqin Sharqdan kelgan. Uning yoshi skripkadan ancha katta, shuningdek, eng asosiysi butun skripka oilasining asboblari shakllanishiga ulkan ta'sir ko'rsatgan eski torli asbob hisoblanadi.

Ta'kidlash joizki, torli cholg'u chalishda kamondan foydalanish IX asrda Osiyoda paydo bo'lgan va X-XII asrlarda Vizantiya va G'arbiy Evropada musulmon mamlakatlariga tarqaldi.

Shunday qilib, asbob ovozi rivojlanadi. Hozirgi vaqtda asbob noyob, ammo unutilmagan toifaga kiradi. Rebek haqli ravishda jahon musiqa



madaniyati me'rosida muhim o'rin tutadi.

Uyg'onish davridagi eng buyuk rassomlar rebekda ijro qilgan farishtalar va azizlarni



Рѣбек
Rebec



yozganlar: Rafael, Giotto va “muborak farishtali birodar” Fra Beato Angeliko ...

Ma'lumki, professional skripka san'ati asosan XVI asrga kelib paydo bo'lgan. Sekin – asta, viola va skripka san'ati estetik yo'nalishlarining astoydil kurashi tufayli, skripka XVII asrda nafaqat Italiyada, balki XVIII asrda Chexiya va Germaniyada, XVIII asrning ikkinchi yarmida esa Fransiyada juda kata ahamiyatli o'ringa ega bo'ldi.

Skripka o'zining kelib chiqishi bo'yicha xalq cholg'usi hisoblanadi va oddiy xojalik (maishiy) cholg'udan XVII asrda konsert cholg'usiga aylandi va jamiyatning barcha qatlamlarini ma'naviy boyituvchi san'atga aylandi.

XVIII – XIX asrga kelib, oqsuyaklarning (aristocrat) hovli va saroylarida kamer musiqasining o'rniga katta konsert zallarida yakkaxon skripka ijrochiligi ommalashadi.

Skripka ijrochilik san'atining rivojlanishi G'arbiy Yevropa mamlakatlarida notekis bo'lgan. XIX asrda aksariyat yevropa mamlakatlari uchun namuna bo'lgan Italiya ijrochilik maktabi inqirozga uchraydi. Bu vaqtda esa Germaniya va Fransiyada skripka san'ati “to'liq mustaqillikka” erishishdi.

Rossiyada professional skripka ijrochilik san'ati faqatgina XX asr boshida xalqaro nufuzga ega bo'ldi. Kommunistik partiya va Sovet Ittifoqi hukumatining g'amxo'rliги tufayli sovet skripka ijrochilik maktabi yuqoriroq darajaga erishdi.

XIX asrda skripka ijrosining rivojlanishida juda katta rol o'ynagan N. Paganinining san'at asarini iro etdi. U skripkaning ijodiy maydonini kengaytirdi, yangi skripka uslublari joriy etildi, zamonaviy skripkaga asos solindi. XIX-asrning taniqli skripkachilari. - R. Kreuttser, P. Bayot (Frantsiya), G. Vieniavski (Polsha), L. Spur, J. Yoaxim (Germaniya), A. Vetnam, E. Izay (Belgiya), P. Sarasate (Ispaniya).

XVIII asrda rus skripka maktabining mudiri asr ijrochi va bastakor I.E. Xandoshkin edi; XIX asrda A.F. Lvov, N.D. Dmitriyev-Svechin. Rossiyada pedagogik polyaklar G. Venyavskiy, Chexov F. Laub va I. Grjimali faoliyati. L.Auer boshchiligidagi Sankt-Peterburg konservatoriyasining skripkachilari sinfi XX-asr boshlarida taniqli ijrochilarning galaktikasi paydo bo'ldi J. Kheifets, E.A. Tsimbalist, M. Elman, M. B. Polyakin. Asosida progressiv ruslarning samarali rivojlanishi va davomi va chet el an'analari Sovet skripka maktabini shakllantirgan.

XIX asr uchun eng yaxshi asarlar - Sonatalar va L.V.Bethoven, I. Brahmsning kontsertlari, F. Mendelsson, A. Dvorak, C. Sent-Saens, E. Lalo, E. Grieg tomonidan yaratilgan sonatalardir.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, skripka - bu nafaqat to'la huquqli yakkaxon asbob, balki instrumental ansambllar, orkestrlarning ishtirokchisi, shuningdek, musiqiy hayotda yetakchi o'rinni egallagan san'at namunasidir.



Yanvar

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

Fevral

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28					

Mart

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

Aprel

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30

May

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				

Iyun

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30		

Iyul

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

Avqust

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30	31			

Sentabr

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						1 2 3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	

Oktabr

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30	31					

Noyabr

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30			

Dekabr

Du	Se	Cho	Pa	Ju	Sha	Ya
						1 2 3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

Jurnal har chorakda bir marta chop etiladi.

Muassislar:

- O'zbekiston Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashi,
- Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-quvvatlash markazi
- "Kafolat servis" MCHJ

Nashr O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2020-yil 31-dekabrda 290/10-sonli qarori bilan Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy jurnallar ro'yxatiga olingan.

Jurnal respublika bo'yicha tarqatiladi, sotuvda kelishilgan narxda. Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydalanilganda "Agro Biznes Inform" jurnalidan olindi, deb ko'rsatilishi shart. PR belgisi bilan berilgan maqolalar tijorat maqolalari hisoblanadi.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar muallifga
qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:
100140, Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi 77-uy
Tel/faks: +99895 195-52-52.
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform"
MCHJ kompyuter markazida
sahifalandi:
28.12.2022-yil
Ofset usulda chop etildi:
30.12.2022-yil
Guvohnoma raqami: №990721
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog'oz bichimi 60x84¹/₈.
Buyurtma № 02.
Adadi: 1100 nusxa.

Manzil:
Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi 77-uy

MUNDARIJA

Табрик	2
А. Мўмин. "Олам маъмурлиғи алардин..."	4
Ш. Содиқова. Эртаси бугунидан фаровон Шовотим!	5
П. Тожиқулов. Деҳқон — депутат!	7
С. Рустамов. Исследование засушливых зон — актуальная задача	8
Ш. Жаббарова. Экология, саломатлик ва қишлоқ хўжалиги	11
З. Ҳақимова. Ислохотларнинг янги босқичи	14
А. Кожевникова. Женщина в сельском хозяйстве	16
М. Тоиров. Эзгуликка бағишланган умр	18
Г. Холмуродова, Г. Тангилова. Соя навлари донининг кимёвий таркибига экиш меъёрлари ва нитрагин-137 штаммининг таъсири	21
А. Дадаходжаев. Показатели при кормлении бройлеров «рос-308» с заменой части комбикорма, кормовым продуктом «сбfeed» в 21 группе с разным процентом замены	25
З. Искандаров, С. Акрамов, З. Шакирхужаева. Повышение эффективности использования орошаемых земель невозможно без улучшения плодородия подпахотного слоя путем глубокой обработки почвы	29
З. Искандаров, С. Акрамов, З. Шакирхужаева. Инновационная агротехническая эффективность рыхления подпахотного горизонта почвы	32
А. Мамарузиев, Э. Каримов, А. Ахмеджанов, А. Азимов. Создание новых тонковолокнистых сортов хлопчатника вида g.Barbadense l.	35
Ж. Умурзоқов, И. Бакиева. Ўзбекистонда нефть-газ саноати корхоналарини трансформациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш динамикаси	42
Ж. Жаббарова. Фаровонлик мақсадида	46
А. Садовский. Сигирларни озиклантириш ва уларнинг физиологияси	47
С. Бахрамов. Мангу барҳаёт	49
Н. Тоиров. Камтарин раҳбар эди	50
Адиблар ижодидан	53
Ж. Сирождидинов. Хоразмнинг Европалик қизи	55
М. Махкамova. "Оркестр Маликаси"	57